«Журналист» лотереяси

Фарғона вилоятида газеталар ва бошқа оммавий ахборот воситалари идоралари иқтисодий-молиявий ҳолатини яхшилаш мақсадида «Журналист» лотереяси ташкил қилинди.

Оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармасининг вилоят бўлими ҳамда вилоят телерадиокомпанияси янги лотерея ўйинининг ташкилотчиларидир.

Мирзо АЛИШЕР

Японлар туҳфаси

Японияли ҳамкорлар Самарқанд вилояти кўп тармоқли болалар шифохонасига 77 турдаги замонавий тиббий асбоб-ускуналар совға қилди. Эндиликда ташҳис қўйиш ва даволаш мақсадларида улардан бемалол фойдаланиш мумкин.

Замонавий тиббий ускуналарни шифохонага топшириш маросимида Японияниг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Обота Коичи жаноблари иштирок этди.

Лутфулла МАМАСОЛИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Дўлана нокка пайванд қилинди

Сариосиёликлар Носиржон ҳожи Тўрақуловни бежиз академик дейишмайди. Бунинг ўзига хос сири бор, албатта. Қир-адирликларни боғбўстонга айлантирган ҳам шу отахон. 20 гектар олмазордан ўтган йили 4 миллион 133 минг сўм даромад қилган ҳам шу инсон. Қолаверса, у Г. Хидиров ширкатлар уюшмасида барпо этилган 180 гектардан ортиқ боғнинг сарбонидир.

Кашфиётни қарангки, ўтган йили ҳожи бобомиз юз тупдан ортиқ ёввойи дўланага нок пайванд қилган экан. Бугунги кунда улар барқ уриб ривожланмоқда. — 2,5 гектар узумзорда эрон бодоми ҳам экдик, — дейди Н. Тўрақулов. Шотут, олма, анор, узум, нок, ўрик етиштирилаётган лалми боғларда насиб этса эрон бодоми ҳам битади.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Оқсувда янги тўғон

Қашқа воҳасининг «кумуш камари» — Оқсув дарёси Китоб шаҳрини қоқ иккига бўлиб оқади. Дарёнинг қадимий ўзани баҳор ёмғирлари туфайли тошганда қирғоқларидаги тупроқни емириб, аҳолининг иморатларига хавф солиб келарди. Бу таҳлика бартараф этиладиган бўлди. Дарёга янги тўғон қуриш, қирғоқларни бетонлаштириш учун катта маблағ ажратилди. Барча режалар «Ўздавсувлойиҳа» институтида тайёрланди. Қурилиш ишларини «Қашқадарёсувқурилиш» бирлашмасининг Китобдаги ташкилоти бунёдкорлари олиб боришмоқда. Тўғон битгач, Мейлиқул Бобоев номли хўжалик ва «Китоб» агрофирмасига қарашли 1300 гектар ерни сув билан таъминлаш янада яхшиланади. Тўғонда тўпланган сувнинг янги каналлар орқали оқиши ҳам режага киритилган.

Юнус УЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Тўйболалар хурсанд

Хўжайли туманидаги меҳрибонлик уйида 16 нафар кичкинтойнинг суннат тўйи ўтказилди. Туман ҳокимлиги, туман деҳқон бозори, «Прим-эшон» жомеъ масжиди, «Саратон» ҳиссадорлик жамияти ва бошқа хомийлар ўз совғалари — сарпо ва ўйинчоқлар, тўкин тўй дастурхони билан тўйболаларнинг қувончига қувонч қўшдилар.

Ҳар бир тўйбола бирданига иккита омонат дафтарчасига эга бўлди — уларнинг бирини «Маҳалла» жамғармаси, иккинчисини туман марказлашган шифохонаси очиб берди.

Шарофат ЙЎЛДОШЕВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1999 йил 1 май, шанба ● № 52 (24.447).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

Ер юзида биринчи

Жиззах тарихда Дизақ дея аталган. Сўғдийча қалъа маъносини билдирган бу воҳа уч минг йиллик тарихни ўз ичига олади. Агар Буюк ипак йўли тикланадиган бўлса, воҳанинг қадимий тарихини яратиш имконияти пайдо бўлади. Ҳозирда туманларда вилоят маънавият ва маърифат маркази, ўлкашунослик музейининг шахобчалари фаолият кўрсатмоқда. Уларда олиб борилган самарали ишлар туфайли Ғалаоролда ер юзидаги биринчи қуёш календари мавжудлиги, Ҳоргузак тоғларида ибтидоий мусаввирлар чизган суратлар борлиги аниқланди.

Тожибой ПАРДАБОЕВ

Эзгулик қуёши ботмайди

Элимизнинг дилбар шоири гап асносида шундай деб қолди:

— Ер шарини жудаям катта десак янглишамиз. У бугун инсониятнинг кафтида турибди. Ақлидрок билан иш юритмасак сайёрамизни йўқотиб қўйишимиз, тириклик илдизини қуритишимиз ҳеч гап эмас. Мана одам боласи бугун қай даражага етиб келди!

Сергак тортдим. У давом этди:

— Дунёга тийрак нигоҳ билан қарашимиз керак. Инсониятнинг ҳалокат жари сари қадам ташлаши ҳам, бахт-саодат, ёруғлик сари юз буриши ҳам ўзига боғлиқ. Оназамин тақдири қўлимизда. Дарвоқе, Президентимизнинг АҚШ сафари ниҳоясида оммавий ахборот воситалари ходимлари саволларига берган жавобларини ЎзТВ орқали кўрдингизми?

Мен юртбошимизнинг доимо Тинчлик ва Барқарорлик, Эзгулик томонда эканликларини, телевизорда ҳам тинчликсевар Ўзбекистон бўлиб сўзлаганларини суҳбатдошимга гапирдим.

Суҳбатдошимнинг чеҳраси ёришди.

Телевизор орқали Президентимизнинг гапларини эшитиб, негадир кўз ўнгимда қишлоқдаги ота-онам гавдаланди. Улар ҳам кўришаяптимикин? **Мамлакатимиз чегарасидан чиқиб бирор йигит бирор урушда қатнашмайди. Мен бунга йўл қўймайман**, дедилар йўлбошчимиз. Катта ўғли дарёнинг нариги томонига ўтиб икки йиллик урушда сарсон бўлган, ўртанчаси эса уч йил сув остида океанма-океан юриб ҳарбий хизматни ўтаган, кенжаси ҳам хизматга шай турган ҳар қандай она учун бу гаплар нақадар таъсирли бўлишини тасаввур қиласизми? Ота учун ҳам худди шундай...

Ҳақ гап айтилди — кекса отахонлар, онахонларимиз ҳар тонг дастурхон устида фотиҳага қўл очиб, даставвал Оллоҳдан юртимизга тинчлик сўрайдилар. Инсон учун осойишта яшашдан улуғ саодат йўқ. Кўраяпмиз. Сезаяпмиз. Ён атрофимизда нималар бўлаяпти... Бу қон тўкишлар, қиргин-баротларда фақаттина халқнинг шўри қурийди, шаҳарлар, қишлоқлар култепага айланади. Қуриш, яратиш оғир. Йўқотиш, вайрон қилиш осон.

Биз бугунги ҳаётимиздан розимизми? Қандай эзгу ишларни қолдирамиз? Шундай тинч кунлар қадрига етоляпмизми? Нега юртбоши ҳар сўзи моҳиятида тинчликка ургу бераяпти? Агар кимда ким шу кунлар маъносини англамаса, барқарорлик иззатига етмаса кўр бўлади. Хавотир билан тонгни қаршиламаган, хонадони ўт-олов ичида қолмаган, ажал ўқидан пана-пастқамда бекиниб яшамаган инсонгина бахтлидир. Унинг тўрт мучаси соғ бўлса, оиласи бағрида, фарзандлари қошида фаровон яшаса яна нима керак? Фарзандини севган, оиласини авайлаган одам учун бу кунларнинг қадри бениҳоядир.

Қўчқор НОРҚОБИЛ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Ислом КАРИМОВ:

Биз фарзандларимизнинг баркамол руҳий дунёси учун, уларнинг маънавий-ахлоқий жиҳатдан етук, жисмоний соғлом бўлиши учун доимо қайғуришимиз, курашмоғимиз зарур

Маралар майдонда беллашар

Бугун пойтахтимизда кураш бўйича биринчи жаҳон чемпионати байроғи кўтарилади.

Соғлом авлодни шакллантириш, ёшларнинг камол топишида спортнинг, жумладан курашнинг аҳамияти бениҳоя. Соҳибқирон Амир Темур даврида курашнинг 400 дан кўпроқ усули бўлганлиги маълум. Бугунги кунда Халқаро кураш ассоциациясининг президенти Комил Юсупов курашимизни жаҳоний эътироф олиши билан боғлиқ мулоҳазалар билдирди: «Юртимизда спортга эътибор берилаётгани бежиз эмас. Мақсад келажаги буюк давлат қуриш. Сир эмас, ўзим ҳам курашчилар оиласида камол топганман. Ўзим дзю-дочи бўлсамда, миллий кураш усуллари ҳадисини олганим учун халқаро майдонларда рақибларим курагини осон ерга теккизардим. Мутахассислар ҳайрон бўлишарди. Курашни жаҳоннинг 28 мамлакати эътироф этиб турибди. Яна ўнлаб давлатларда кураш бўйича федерациялар тузилмоқда. Яқин келажакда кураш олимпиада ўйинларига кирса, ажаб эмас».

Куни кеча Тошкентдаги Олимпия шон-шуҳрати музейида жаҳон чемпионатига бағишланган матбуот анжумани ўтказилди. Йиғилишда курашнинг аҳамияти, биринчи марта уюштирилаётган йирик мусобақа билан боғлиқ турли юмушлар ҳақида фикрлар билдирилди.

Баҳодир МАХСИТОВ
— Ўзбекистон Республикаси спорт қўмитаси раиси:

— Спортимиз тарихида ёрқин саҳифа бўлиб қоладиган жаҳон чемпионатини халқаро андозаларга мос равишда уюштириш билан боғлиқ тадбирларни адо этишга тўғри келди. Полвонларга ва меҳмонларга барча шароитлар муҳайё қилинади. Мутахассислар мусобақанинг тантанали очилиш маросими ўтказиладиган «Юнусобод» ўйингоҳини юқори баҳолашди. Беллашувлар эса «Жар» спорт марказида давом этади.

Геннадий КАЛЕТКИН
— Европа дзю-до ассоциацияси вице- президенти:

— Тўғрисини айтсам, Ўзбекистонда курашга бўлган муносабатни илгари, собиқ иттифоқ терма жамоасига бошчилик қилган кезларимдаёқ ҳис этганман. Эсингизда бўлса, бултур сентябрда кураш бўйича биринчи халқаро конгресс ўтказилган эди. Ушанда биз йигирмадан ортиқ мамлакат вакиллари шоҳидлигида курашнинг халқаро мақом олганини эълон қилганмиз. Мана энди, биринчи марта ўтказилаётган жаҳон чемпионати арафасида иккинчи бор ана шундай конгресс ўтказишни мўлжаллаб турибмиз. Бу гал қисқа даврда қилинган ишлар сарҳисоб қилинади, ютуқ-камчиликлар баҳоланади. Халқаро ассоциацияга аъзо бўлишни ихтиёр этган мамлакатларнинг таклифлари кўриб чиқилади. Мутахассислар ўзаро келишиб Тошкентдаги беллашувларда учта вазн — 73, 90 ва ундан юқори оғирликдаги полвонларнинг майдонга тушишини режалаштирдик. Эътироф этишим керак, Ўзбекистонда курашни ривожлантириш, маҳоратли полвонларни тарбиялаш бўйича катта ишлар қилинган. Келажакда курашнинг тарихини ўрганиш, унинг аҳамиятини тушунтириш билан боғлиқ ташкилий-тадбирий юмушлар давом этади. Ҳатто, Тошкентда бутунжаҳон кураш академиясини ташкил этиш мўлжалланмоқда. Бу ишларнинг ҳаммасига, яъни халқаро кураш ассоциациясининг нуфузи ортишида Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг хайрихоҳ бўлиб турганидан мамнунман.

Аббос ТЎЙЧИБОЕВ
— Халқаро кураш ассоциациясининг бош котиби:

— Ташкилий-тадбирий ишларнинг жаҳон андозаларига мос бўлишига астойдил ҳаракат қилдик. Меҳмону спортчиларни кутиб олиш, уларни жойлаштириш, меҳмоннавозлик ва кўнгил очиш каби тадбирлар ҳам жойида деб ўйлайман. Бор-йўғи икки кун бўладиган қизғин беллашувлар унутилмас таассуротларга бой бўлиши табиий. Мақсад жаҳоннинг 50 га яқин мамлакатидан келган ҳар бир полвоннинг Ватанимиз ҳақида илиқ таассуротлар билан қайтишларига эришишдан иборат.

Шундай қилиб, бугун спорт байрами бошланади. Юзлаб полвонлар турли давлатларнинг байроғи ҳилпираб турган ўйингоҳларда кураш бўйича биринчи жаҳон чемпиони номини олиш учун маҳорат кўрсатадилар. Қизиғи шундаки, ирқи, миллати ва тилидан қатъи назар ҳар бир полвон учун соф ўзбекча «ҳалол», «чала», «танбеҳ», «ғирром» каби сўзлар ёд бўлгусидир. Бу сўзлар яқин келажакда ўзга мамлакатларда ўтказиладиган навбатдаги ана шундай нуфузли мусобақаларда ҳам баралла жаранглайверади!

Ҳайдар НОСИРОВ



ХДП хабарлари

Сайловчилар билан мулоқот

102-Янгиқўрғон сайлов округидан Олий Мажлис депутати, Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг биринчи котиби, фалсафа фанлари доктори Абдулҳафиз Жалоловнинг сайловчилар билан мулоқоти Ўзбекистон Олий Мажлисининг XIV сессияси, Президентимиз И.А. Каримовнинг ундаги «Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда» номли маърузаси тарғиботига бағишланди. Депутат Янгиқўрғон шаҳарчаси, Қораполвон қишлоғи, Чортоқ туманидаги 26-ўрта мактабда бўлган учрашувда сайлов округидаги меҳнат жамоалари вакиллари, сайловчилар эътиборини юртбошимиз маърузасининг мазмуни, олға сурилган ғоялар, хусусан, беш устувор йўналишлар моҳияти, демократик тамойиллар ва ислоҳотлар йўлининг аниқ-равшан ифодасига қаратди. Шунингдек сайловларга тайёргарлик, сиёсий партиялар олдидаги масъулият ҳақида сўз борди, сессияда янги қабул қилинган қонунларга изоҳлар берилди.

Сайловчилар билан учрашувларда Ўзбекистон ХДП Наманган вилоят кенгашининг биринчи котиби Ҳабибулло Убайдуллаев, Янгиқўрғон тумани ҳокими Зокиржон Мамажонов, Чортоқ тумани ҳокимининг биринчи ўринбосари Муродилла Ҳасанов қатнашдилар.

Вилоят кенгаши пленуми

Ўзбекистон ХДП Наманган вилоят кенгашининг навбатдаги пленумида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Олий Мажлис XIV сессиясидаги маърузаси юзасидан партия ташкилотларининг вазифалари белгилаб олинди. Бу ҳақда ХДП Марказий Кенгашининг биринчи котиби Абдулҳафиз Жалолов маъруза қилди.

Вилоят партия кенгаши пленумида ташкилий масала кўрилди. А. Мадмусаев бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан пленум уни кенгаш иккинчи котиби, ижроия бюро аъзоси вазифасидан озод этди. Ҳозирда кенгаш ташкилий ишлар бўлими мудири бўлиб ишлаётган Орифжон Охунов вилоят партия кенгашининг иккинчи котиби ва ижроия бюро аъзоси этиб сайланди.

Пленумда вилоят ҳокимининг ўринбосари Аҳмаджон Луқмонов қатнашди.

Маҳмуджон ПАРПИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Жаҳолат меҳроби

Огоҳ бўлинг!

Фарғона Давлат университетининг толиби Карим Имомалиев жуда бежирим кийиниб юрар, атрофдагиларга ўта мулойим муомала қилар, беш вақт намозини канда қилмасди. Университетнинг айрим талабалари унинг шу хусусиятларига маҳлиё бўлиб, бу «художўй, намозхон йигит» суҳбатига иштиёқманд бўлишди. Карим уларни аввал намоз ўқишга ундади. Намоз ўқиш тартибини ўргатиб, уларга ислом қоидаларини шарҳлай бошлади. Бахтиёр, Асил, Яҳё каби йигитлар Каримдан сабоқ олишарди. «Ҳаммамиз мусулмонмиз, бир художўй, савоб талаб йигит ёшларга намоз ўргатса, исломий билим берса, нимаси ёмон?» дейишингиз мумкин. Аммо, коса тагида нимкоса бор экан...

— 1998 йил март ойларида Имомалиев Карим билан танишган эдим, — дейди кейинчалик Каримнинг кимлигини англаб етган «шогирд»ларидан бири Носир, — аввалига у бизга намоз ўргатди. Аммо, кейинчалик бизга бошқа нарсаларни уқтиришга ўтди. Дарс пайтида «Иймонга йўл» китоби, «Ал-Ваъй» журналидан фойдаланиб жиҳод қилиш ҳақида айтди. «Ал-Ваъй» журналини уйимизга ўқишга берди. Шундан кейин Дилшод, Аҳрор ва бошқалар унинг дарсларига қатнашмай қўйдик.

Яна бир гувоҳ Имомбердиев Мансур эса шундай маълумот беради: Имомалиев Карим билан бир курсда ўқиганмиз. Мен ундан диний сабоқ олмоқчи бўлдим. У Фарғона шаҳридаги кўп қаватли уйлардан бирида икки ҳамқишлоғи билан яшар экан...

Имомалиев унга «сизни ўзим ислом дини бўйича дарс бераётган битта гуруҳга қўшиб қўяман» дейди. Сўнг тўрт нафар ёш йигитлар билан таништириб, уларга сабоқ бера бошлайди. «Бироқ, — дейди М. Имомбердиев, — кейинчалик дарсларнинг мазмуни ўзгариб кетди. У очиқдан-очиқ ислом давлати қуриш йўллари, бундай давлатнинг халифалик кўринишида бўлиши тўғрисида ташвиқот юргиза бошлади. Бизга ва бошқаларга «Ислом Низоми», «Иймонга йўл», «Ал-Ваъй» каби китоб ва журналлар тарқата бошлади. Шунда мен Имомалиевни нияти ёмонлигини тушуниб дарсларига бормай қўйдим. У берган адабиётларни ҳеч кимга тарқатмай, ўз ихтиёрим билан тегишли идораларга топширдим.

К. Имомалиев ўз шерикларига ҳам эга эди. Фарғона Давлат университети иқтисод факультети талабаси Музаффар Носиров, Фарғона шаҳридаги «Инъ-Ян» хусусий корхонаси сотувчиси Ином Яқубовлар Имомалиев билан бирга тил бириктириб ноқонуний гуруҳлар тузишда фаол қатнашганлар.

Шу тариқа К.Имомалиев, М.Носиров, И.Яқубов каби шахслар талабалар орасида юриб, ўргимчак тўридай қопқонига илинган содда ёшларни «Хезбут таҳрир» халқаларига торта бошлайдилар. Талабаларнинг аксарияти «устоз»лар уларни ёвуз мақсадлар домига тортаётганини сезиб дарҳол халқаларни тарк этишган. Аммо талабалар онгини заҳарлашда юқоридаги учлик қўлидан келганича ҳаракат қилган. Фарғона вилоят судининг ҳукми билан М.Н. Яқубов, М. Т.Носиров, К. Х. Имомалиевлар олдиндан жиноий тил бириктириб, фаолияти тақиқланган диний ташкилот тузиб, унинг ишларида фаол қатнашганлиги, Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий тузумига тажовуз қилиш ва ушбу қилмишларни такроран содир этиш, жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига таҳдид соладиган материалларни тарқатиш ва бошқа айблари учун тегишли жазоларини олдилар.

Аммо, бир нарса кишини ўйга толдиради. Турли диний оқимлар таъсирига тушиб қолаётган шахсларнинг аксарияти ёшлар эканлиги маълум. Бироқ, олий ўқув юрти талабаси, ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг бугунги муаммоларини маълум даражада англай биладиган, қолаверса ўнлаб зукко олимлар, устозлар суҳбати, таълимидан баҳраманд бўлаётган ёшларнинг орасига ҳам ақидапарастлик оғулари сочилишига йўл қўйилаётганлиги таажжубланарли. Гапнинг очиғи руҳимизга, даврмизга ёт ақидаларни ташвиқот қилган ўша талабаларга, уларга қулоқ солганларга ачинасан. Зеро, онгларини ақидапарастлик оғуси заҳарлаган бу йигитлар она-Ўзбекистонимиз учун керакли, унга хизмат қиладиган инсонлар қаторида бўлишлари мумкин эди. Ҳолбуки, улар тавоб қилган меҳробдан, ҳозирда юз йиллик истибдод кишанларини парчалаб, озодлик нашъасини сураётган Ватанни қайта, энди «халифалик» сиртмоғига ташлашга даъват янграмоқда. Вақт ўтар, бу чинакам ислом, чинакам Ватан меҳроби эмас, балки жаҳолат ва хиёнат меҳроби эканлигини англаб етишар улар...

Алишер ИБОДИНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Миллат ва ёшлар

Фарзанд камоли — Ватан равнақи

Инсон борки ҳамиша орзу-ҳавас билан яшайди. Бу орзу-ҳаваслар эса уни улуғ ният ва мақсадларга етаклайди. Инсоннинг маънавий қиёфаси унинг ҳаракат ва интилишларида намоён бўлганидек давлатнинг обрў-эътибори, мавқеи ҳам шу давлат томонидан амалга оширилаётган сиёсат, у илгари сураётган ғоялар, интилишларда кўринади.

Бугун жаҳон аҳли Ўзбекистонни тинчлик, маънавият, маърифатни мақсад байроғи деб билган давлат сифатида эътироф этмоқда. Ҳамкорлик алоқаларини ўрнатмоқда. Барча соҳаларда бўлгани каби таълим тизимида ҳам халқаро алоқалар мустаҳкамланмоқда. Ёшларимиз дунёни кўрмоқда, дунё илм-фанининг ютуқларидан баҳраманд бўлмоқда. Таълимдаги халқаро ҳамкорлик биз учун нечоғлик муҳимлигини Президентимизнинг қуйидаги сўзларидан ҳам англаш мумкин: **«Жаҳон бозоридаги интеграция, илмий техникавий тараққиёт суръатлари халқ таълимининг барча бўғинлари ўртасидаги ўзаро алоқаларни мустаҳкамлашни талаб этмоқда. Бинобарин, бу ҳол тарбия, таълим, сиёсий касбий тайёргарлик масалаларини ҳал этишга жамулжам ёндошишни тақозо қилмоқда».**

Ўтган давр мобайнида «Таълим тўғрисида»ги қонун Кадрлар тайёрлаш Миллий Дастурида белгиланган вазифаларга кўра халқаро ҳамкорликнинг ҳуқуқий базаси яратилди, ўзбек ёшларининг жаҳоннинг энг нуфузли университетларида ўқишларини ташкил этиш, илмий-педагог кадрлар, талабалар ва ўқувчилар алмашиш тобора кенгайиб бормоқда. Буни «Умид», «Устоз» жамғармалари фаолиятларида ҳам кўриш мумкин. Таълимдаги ислоҳотлар ҳамкорлигимиз кўламининг ниҳоятда кенглигини, давлатимизнинг Кадрлар тайёрлаш Миллий Дастурини амалга оширишни ўта муҳим вазифалардан деб билаётганлиги ҳам кўрсатиб турибди. Давлатимиз раҳбарининг ЮНЕСКО томонидан буюк ватандошимиз Абу Али ибн Сино номидаги устозлик ва мураббийлик рамзи бўлган халқаро «Абна Сейна» олтин медали билан тақдирланиши, Олий мактаб фанлари Халқаро Академиясининг фахрий академиги этиб сайланиши таълим тўғрисидаги миллий ислоҳотларимизнинг, ютуқларимизнинг жаҳон миқёсида эътироф этилаётганлигидан дарак беради.

Манфаатдор вазирликлар ва идоралар, чет эллардаги элчихоналаримизнинг кадрлар тайёрлаш соҳасига чет эл инвестицияларини жалб қилиш борасидаги фаолиятлари кучайтирилмоқда. «Таълим тўғрисида»ги қонунга кўра таълим муассасалари таълим муаммолари юзасидан халқаро ҳамкорликда иштирок этиб, чет давлатларнинг тегишли ўқув юртлари билан бевосита алоқалар ўрнатадилар. Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда улар билан қўшма ўқув юртлари ташкил этиш ҳуқуқига эгадирлар. Хўш, бу борада бугунгача қандай ишлар қилинди?

Зойир ТОШМАТОВ — Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги халқаро алоқалар бошқармаси бошлиғининг ўринбосари:

— Амалга оширилаётган ишларга назар ташлар эканман, таълим ва тил ўргатиш бўйича Америка ҳамкорлик ташкилоти (АКСЕЛС), Халқаро тадқиқотлар ва алмашув кенгаши (АЙРЕКС), Тинчлик Корпуси, Англиянинг «Британия Кенгаши», Германиянинг Академик алмашувлар хизмати (ДААД), Гёте институти, Европа Ҳамжамиятининг «ТАСИС» ва «ТЕМПУС» дастурлари ҳамда бошқа кўплаб хорижий ташкилот ва жамғармалар билан ўзаро ҳамкорликдаги фаолиятларимизни алоҳида таъкидлагим келади.

Ўтган ўқув йилида Тошкент Давлат техника университети қошида Германиянинг техника амалиёти бўйича талабалар алмашуви халқаро ассоциацияси (IAESTE) миллий бюроси очилди. Ушбу халқаро муассасанинг Ўзбекистондаги фаолиятини мувофиқлаштириш мақсадида Тошкент Давлат техника университети ва Қарши муҳандислик иқтисодиёт институтида координаторлар фаолият кўрсатмоқда. Ассоциация дастурига биноан муҳандислик йўналишлари бўйича дарс бераётган иқтидорли ёш ўқитувчиларнинг хорижий мамлакатларда малакаларини ошириши ҳам режалаштирилган.

Халқаро ташкилот, жамғарма, ваколатхона ва элчихоналар билан олиб борилаётган ишлар ўз ижобий самарасини бермоқда. Жумладан, Жанубий Корея Республикасининг КОІСА ташкилоти Шарқшунослик институтига умумий қиймати 100000 АҚШ долларига яқин бўлган кичик ҳажмли босмахона тақдим этди. Японияннинг «Мицубиси» фирмаси эса мазкур олий ўқув юртига 21286 АҚШ доллари миқдоридаги қийматга эга бўлган дарсликлар ва ўқув қўлланмаларини тақдим этди. Ундан ташқари Японияннинг Тошкентдаги элчихонаси 1996 йилдан эътиборан ҳар ўқув йилида Шарқшунослик институтининг 12 талабасига 7200 АҚШ долллари миқдорида стипендия ажратмоқда.

Ўзбекистонлик мутахассисларнинг тараққий этган давлатлар олий ўқув юртларида, илмий муассасаларида қисқа ва узоқ муддатли малака оширишлари, таҳсил олишлари ҳамда йирик халқаро анжуманларда иштирок этишлари учун имконият яратиш мақсадида уларни хорижий мамлакатларга сафарга жўнатиш ишларига алоҳида эътибор берилмоқда. Чет элларга жами 250 нафардан зиёд ёш ўқитувчилар муҳандислик ихтисосликлари бўйича ўқишга юборилди.

Собиржон ЮСУПОВ — Тошкент Давлат техника университети халқаро алоқалар бўлими бошлиғи:

— Университетимиз республикамизнинг етакчи илм даргоҳи сифатида халқаро алоқаларни ривожлантириш юзасидан кенг кўламда қатор ишларни амалга оширмоқда.

Жумладан, АҚШнинг Гавая Пасифик университети ва Сан-Диего Давлат университети, Германиянинг Гамбург—Гарбург техника университети ва Берлин техника университети, Франциянинг Пьер ва Марио Кюри номидаги Париж VI университети, Англиянинг Гринвинч университети, Пекин технология университети, Миср Араб Республикасининг Закаржик, Қоҳира, Александрия университетлари, Туркия республикасининг Эрзурум, Отатурк ва Еттитепа университети, Жанубий Кореянинг Киянг Хи Сеул университети, Грециянинг Афина технологик таълим институтлари билан шартномалар мавжуд.

Университетнинг етакчи олимлари, ўқитувчилари халқаро илмий ва илмий-техникавий анжуманларда фаол қатнашмоқдалар, кўпгина хорижий олий ўқув юртлари билан ўрнатилган илмий ва ўзаро алоқалар тобора мустаҳкамланишига ҳисса қўшмоқдалар, муҳим халқаро дастур ва лойиҳаларни ишлаб чиқишда изчил қатнашиб келмоқдалар.

Университет докторанти Р.Ашурбеков 8 ой мобайнида АҚШнинг Гавая Тинч океани университетида «АКСЕЛС» фонди орқали малака ошириб қайтди. Хорижий муаллифларнинг тажрибалари асосида ёзилган адабиётлар келтирилди, ҳамда бозор иқтисодининг кучли рақобат шароитида университет ўз ишини қандай олиб бораётгани, автоматик бошқариш системалари соҳасида китоб ва маърузалар тўплами билан танишиб келди.

Баҳодир НАЗАРОВ — Тошкент Давлат шарқшунослик институти халқаро алоқалар бўйича проректори:

— Ҳозирги кунда институтда Японияндан 6, Жанубий Кореядан 9, Хитойдан 3, Миср Араб Республикасидан 7, Туркиядан 2 ва АҚШдан 3 нафар профессор ва ўқитувчилар дарс бермоқдалар. Хорижлик талаба ва малака ошираётганлар сони ҳам ошиб бораяпти. Хитойдан 2 нафар, Японияндан 4, Жанубий Корея ва Туркиядан эса биттадан талаба бизда таҳсил олаяпти.

Ўтган йили биз Японияннинг Ритсумейка Осиё-Тинч океани университетлари, АҚШнинг Сан Диего Давлат университети билан битим имзоладик. Италия католик университети сиёсий фанлар департаментининг бошлиғи Гиянлука Пастори бошчилигида ташриф буюрган ҳайъат ҳам келажакда институтимиз билан ҳамкорлик қилиш мақсадида эканлигини билдирди.

Келажакда Мисрнинг ал-Мансура университети, Хитой университетлари, Ҳиндистоннинг Курукшетра университети, КОИКА ташкилоти, Ҳиндистон маданият маркази, Миср Араб Республикаси фан ва таълим маркази, Жанубий Корея таълим маркази, Хитой, Япония, Туркия ва бошқа мамлакатлар элчихоналари, Япония дипломатиясига ҳамкорлик жамияти, Япония халқаро алоқалар маркази, АКСЕЛС, СОРОС, ТЕМПУС, ТАСИС ва бошқа халқаро жамғармалар, ташкилотлар билан ҳамкорлик алоқаларини янада такомиллаштиришни режалаштирмоқдамиз.

Суҳбатдошларимиз сўзларидан маълум бўлдики, мамлакатимиз илм даргоҳлари дунёнинг ривожланган мамлакатларидаги нуфузли олий ўқув юртлари билан алоқаларни кучайтириб, ижодий рақобатга киришишга ҳаракат қилмоқдалар.

Мақоламизнинг бошида таъкидлаганимиздек, биз орзу-ҳавасли миллатмиз. Орзу-ҳавас деганда ҳам аввало фарзандлари камолини, бахтини кўриш истагида яшаётган, интилаётган халқмиз. Давлатимиз раҳбарининг **«Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт»** деган сўзларида ҳам ана шу меҳр мужассамдир. Бугун ота-оналар ўзаро суҳбатлашиб қолганларида ҳам кўпроқ фарзандларининг қайси лицей ёки коллежга ўқишга берса, яхшироқ бўлиши ҳақида маслаҳатлашадилар. Нуфузли институт ва университетларда, хорижий давлатларнинг таълим даргоҳларида ўқиётганлиги, икки-уч хорижий тилни билиши ҳақида фахрланиб сўзлайдилар. Ҳа, бу ўзбекнинг, Ўзбекистоннинг орзу-ҳаваслари ушалаётганлигидан далолатдир. Таълимдаги халқаро ҳамкорлик ҳам ана шу орзу-ҳавасларимиз ижобати йўлидаги ҳаракатларимизнинг бир кўринишидир. Биз дунёни, дунё илм-фанини билиш учун жаҳоннинг ривожланган мамлакатларига чиқмоқдамиз, алоқалар ўрнатмоқдамиз. Шу билан бирга дунё ҳам бизни ўрганмоқда. Не-не алломалар ўсиб вояга етган, шавкатли тарихга эга бўлган Турон заминнинг олтин бешигида бугун улғаяётган фарзандларимизга қизиқиш, ҳайрат ва хайрихоҳлик билан қарамоқдалар.

Минҳожиддин МИРЗО

Хотира — муқаддас қадрият

Миллат эҳтиромига айланажак

Юртимизда байрамлар кўп. Уларнинг бари қадрли. Эъзозли. Элимиз қувончу ифтихор-ла қаршилаётган айёмларимиз миллий, умуммиллий, умуминсоний истиқлолимиз шодиёналари, Наврўзи олам, муборак Рамазон ва қурбон ҳайитлари... Бари-бари ўзлигини таниётган халқимизнинг қалбида ғурур алангасини ёқади. Шундай қутлуғ айёмлар сафига Хотира ва Қадрлаш куни ҳам қўшилди.

Яқин кунлар ичида халқимиз 9 май кунини бошқача бир шукуҳ, қалбда эҳтиром билан кутиб оладилар. Озодликка эришган юртимизда бу кун илк бора бутун бир миллатнинг марҳумларга эҳтироми сифатида нишонланади.

Дарвоқе, хотира ҳақида... Инсон ўз ёди билан азиз. Унда элдошларимизнинг қон-қонига сингиган улуғ бир фазилат бор. Бу ҳам бўлса ўтганлар руҳини шод этиш, ёдга олиш.

Айём куни, менинг назаримда, барча буюк сиймолар, азиз ватандошларимиз, шу тупроқни гулу гўзалликка буркаган томирдошларимиз хотираси олдида таъзим қиламиз. Эҳ-е, бу ўлкада не-не донишмандлар, жаҳонгирлар, азиз авлиёлар яшаб ўтмади дейсиз. Шу боис ҳам бу тупроқнинг ҳар бир қаричи муқаддас, кўзимизга тўтиё. Миллатимиз шаънини кўкларга кўтарган, довруғини оламга ёйган бобокалонларимиз номини санаб ўтсак бармоқларимиз камлик қилади. Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур, Улуғбек, ҳазрат Навоий, Бобур, Чўлпон, Қодирий, Усмон Носир сингари кўплаб эъзозли зотларнинг номи қалбимизга ёзилган. Ўша куни миллатимиз ўз улуғларини эслаб бирлашади. Яъниким, ўзбек халқининг, Ўзбекистоннинг бирлашишини кўриш мумкин бунда. Ёшларимиз дилида яна бир бора ўз боболари шаъни-шавкатидан фахрланиш ҳисси намоён бўлади. Шу билан биргаликда биз кимлигимизга, ким бўлиб ўтганлигимизга бир қур назар ташлаймиз. Ватан келажаги учун ўз жонини ҳам аямаган, ҳурлик йўлида ёвга тик қараган, илм зиёси билан авлодлар йўлини ёритган кишиларнинг хизматини Ватан ва халқ унутмайди.

Бу ватанда инсон шаъни улуғланмоқда. Кимки шу юрт тараққиёти учун куйиб-ёниб яшаса, асло элнинг назаридан четда қолмайди. Эъзозланади.

9 майни Хотира ва Қадрлаш куни сифатида нишонлар эканмиз, юртимизнинг ҳар бир шаҳар ва қишлоқларида ёруғ манзиллар сари йўл олган озод халқ қадр-қиммати истиқлол туфайли қайта тикланганлигини кўриш мумкин, деб ўйлайман.

Абдуҳалим МАМАТОВ, Хонобод шаҳри

«Қани, ачомла-чи»

Тоҳир НОРҚУЛОВ (ЎзА) олган сурат

Лойиҳа қачон тайёр бўлади?

Ислоҳот ва масъулият

Ҳар биримиз юртимизнинг, халқимизнинг буюк келажагини бунёд этиш орзуси билан яшаяпмиз. Мамлакатимизда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик, яратувчилик муҳити шу йўлда фидокорлик кўрсатишга ундайди.

Коллежимизда таълим-тарбия ишларини такомиллаштириш, етук мутахассислар тайёрлаш йўлида муайян ишларни амалга ошираяпмиз. Қисқа вақт ичида талабаларимиз 10 мингдан зиёд хонадонни газлаштириш лойиҳаларини ишлаб чиқишди. Бунинг учун улар шаҳару қишлоқларда ҳисоб-китоб ва ўлчов ишларини олиб боришди. Шунингдек, Урганч шаҳрининг марказий кўчаларини ободонлаштириш бўйича лойиҳалаш ишларида фаоллик кўрсатишди.

Амалий фаолият малака орттириш йўлидаги натижалар билан тугамайди. У ўз кучимиз билан маблағ топишда, пуллик хизмат кўрсатишни жонлантиришда муҳим восита бўлмоқда. Ўтган йили жамоамиз лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаб салкам уч миллион сўм маблағ ишлаб топишди.

Бу йил ўқув даргоҳимизда иккита ўқув корпуси, ётоқхона ва бошқа бинолар таъмирланиши, шунингдек ишлаб чиқариш устахонаси учун қўшимча қурилиш ишлари амалга оширилиши керак. Бунинг учун 1998 йилнинг ноябрь-декабрь ойларида «Ўзагроқурилишлойиҳа» институти лойиҳачиларига биз зарур ҳужжатларни тайёрлаб берганмиз. Бунда катта эътиборни ишлаб чиқариш устахонасига қаратиш кераклигини уқтирдик. Чунки, ёшлар амалий кўникмалар орттирадиган устахона шу куннинг талаб ва эҳтиёжларига мос равишда бўлиши керак. У етук мутахассислар тайёрлашда кўп нарсани ҳал этади. Президентимиз Ислом Каримов Олий Мажлиснинг XIV сессиясида сўзлаган маърузаларида: «Жорий йилда ва 2000 йилда республиканинг ҳар бир тумани ва шаҳари замонавий талабларга жавоб берадиган янги турдаги ўқув юртлари билан таъминланиши учун 180 та янги касб-ҳунар коллежи ва 15 та академик лицейни қуриб фойдаланишга топшириш лозим», — деган эдилар.

Бизнинг коллежимизда мўлжалланган қурилиш ва таъмирлаш ишларининг амалга оширилиши, лойиҳачиларнинг ўз ишларини қанчалик тўғри ва аниқ бажариши, уларнинг ижодкорлигига боғлиқ. Чунки, бино, хона, ўқиш ёки иш жойи уларнинг қўлларида асосий шаклу шамойилини топади. Қолаверса, ажратиладиган маблағ ҳамда қилинадиган ишлар ҳажми ҳам лойиҳада белгилаб берилади. Шу сабабли лойиҳачилардан аниқ ва равшан, қурилиш соҳасининг бўлғуси мутахассисларининг ишга қизиқишларини оширадиган лойиҳаларни кутмоқдамиз.

Ибодулла БОЙЖОНОВ, Урганч қурилиш коллежи директори

Партияда ҳисобот-сайловлар мавсуми

Юксак талабчанлик руҳида

Ўзбекистон ХДП Жиззах шаҳар бошланғич ташкилотларида ҳисобот-сайловлар давом этмоқда.

Ҳисобот йиғилишларида шу нарса қайд этилдики, партия аъзоларининг фаоллиги кучаймоқда. Жумладан, шаҳар партия ташкилотлари аъзоларининг сафи бир ярим бараварга ўсди. Ўтган йили партия сафларига қабул қилинганларнинг 60 фоизи хотин-қизлар эканлиги аёлларнинг фаоллиги ошиб бораётганидан далолатдир.

Анжуман иштирокчилари кўп партиялилик асосида ўтадиган сайловларда ХДП нуфузини янада ошириш, юртбошимизнинг Олий Мажлиснинг XIV сессиясида қилган маърузасидаги устувор йўналишларни бажариш учун ҳамма чораларни кўражакларини таъкидлашмоқда. Ҳисобот-сайловларда бошланғич партия ташкилотларига котиб этиб тажрибали раҳбарлар, эл ишончини қозонган ташаббускорлар, хотин-қизларнинг фаол вакиллари сайланмоқдалар. Шаҳар партия кенгаши 121 та бошланғич, 10 та ҳудудий партия ташкилотларини жипслаштирган.

Пардабой ТОЖИБОЕВ

Сен ҳақми, мен ҳақ?..

Луқма

Кўпгина можаролар замирида мана шу савол ётади. Баъзан воқеанинг у ёки бу томонга ўзгариши ҳам шу саволнинг ечими билан боғлиқ бўлади. Фақат бунинг мураккаб жиҳати — кимнинг ҳақ эканлиги ёхуд масаланинг холисона ҳал этилишидадир. Бир тўхтамга келгунча можаро сен ҳақми, мен ҳақ тарзида давом этаверади.

Тошкент шаҳар «Чорсу» буюм бозоридаги можаро ҳам шу тарзда кечаётир. Яъни, хусусий тадбиркорлик билан шуғулланувчи шахслар ўртасидаги тортишувнинг охири кўринмайди, чоғи. Шунинг учун бу тортишувдан жабр чекаётган тадбиркорлар таҳририятга мактуб йўллаб, бозорқўм ҳал қилмаган масалани ҳал қилишга ёрдам сўраб мурожаат қилишган.

Биз «Чорсу» буюм бозорига борганимизда айнан хатда ёзилган ҳолатнинг гувоҳи бўлдик. Шикоятчиларнинг нолиб гапиришганича бор экан: «...ёндириб қўйилган ўчоқ оловлари ва чўғ бўлиб турган тошкўмирлар, тез ёнувчи ва ҳатто баланд ҳароратда портловчи буюмларнинг кийимлар билан бир қаторда туриши бизни ташвишлантирмоқда... Устига устак улардан ажралиб чиқаётган газ иси ва турли ёқимсиз, зарарли бўлган ҳидлар сотувчи ва харидорлар соғлиғига хавф солади». Шу билан биргаликда сотувчилар моддий ва маънавий зарар кўришаётганини ҳам айтишган. Кабобпаз ва ошпазлар кун бўйи ёқаётган олов ва ундан чиққан тутун-қурумлар кийим-кечак сотувчиларининг хунобини чиқаради. Янги молни илиб ёки ёйиб қўйган сотувчи бир оздан кейин кабоб ҳиди уриб, қора қурумлар ўтириб қолганини кўриб ачинади. Кабобпазлар эса ўз ишини давом эттираверади.

— Менга тадбиркор ҳам, ошхоначи ҳам керак, — дейди «Чорсу» буюм бозори очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти раиси муовини Эргаш Тўйчиев. — Иккаласининг ҳаракати ҳам қонуний.

— Хўп, иш қонуний экан, масалани сих ҳам, кабоб ҳам куймайдиган қилиб ҳал қилса бўлмайдими? Ахир, аҳволни кўриб турибсиз-ку?

— Тўғри, аҳвол ўнглангани йўқ. Лекин, ҳаракат қиляпмиз. Аввалроқ газетага ёзилган хатдан бизга ҳам ёзишган эди. Беш кун ичида ҳаммасини жойига қўямиз деган эдик. Бугун бешинчи кун. Мана олов ёқилмайдиган бўлди. Паловни бу ерга пишириб келтиришяпти.

Шу вақт қаршимизда турган аёл бизни имлаб қолди.

— Ука, газетаданмисиз? Мана бу кийимнинг аҳволини кўринг. Ҳали сотилмай туриб, ювишга мажбур бўлдим. Энди айтингчи, ким олади буни. Мана бу туфлини-чи?

Моҳира Наврўзова сотаётган нарсаларини кўрсата бошлади. Дарҳақиқат, бу аҳволда молни ҳеч ким олмайди. Боз устига кабобдан чиққан тутун атрофни ўраб олган. Нафасингиз дим-миқиб қолади. Орадаги масофа кўпроқ бўлса, кошки. Одамлар бир-бирини туртиб ўтмаса, ҳисобмас.

— Овқатни эрталаб одамлар келмасдан тайёрлаб қўяпмиз, — деди хусусий тадбиркор Алишер Алимов. — Қизиқ, шу овқатдан сотувчилар ҳам тановвул қилишади-ку. Нега яна жанжал қилишади?

Маълум бўлишича, бозор ҳудудида хусусий тадбиркорлардан Ҳасан Мўминов, Диёр Сайидхўжаев, Алишер Алимовлар шундай фаолият билан машғул экан. Лекин уларнинг ишларини тартибга келган деб бўлмайди. Кўмирдан учиб чиқаётган қурумлар кийимларга ўрнашиб қолаётгани аниқ. Қолаверса, олов ёниб турган ўчоқларни ҳам хавфсиз деб бўлмайди.

Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

Тошкент шаҳар кўчмас мулк биржаси

1999 йил 14 ва 27 май кунлари соат 11⁰⁰ да кимошди ва ҳар ҳафтанинг сешанба, пайшанба кунлари биржа савдоларини ўтказади.

Кимошди савдоларига қуйидагилар қўйилади:

1. Чилонзор туманининг Гавҳар кўчасида жойлашган «Ёркин нур» жамоа корхонасининг 3 қаватли маъмурий биносининг 2- ва 3-қаватлари, умумий майдони 2000 кв. м., **бошланғич нархи** — 6165137 сўм.

2. Тошкент шаҳар хўжалик суди қарорига асосан савдога қўйилган — Чилонзор туманининг «Ёғочсоз» акциядорлик жамиятига қарашли:
— ТИКО автомобили, 1997 й., **бошланғич нархи** — 728036 сўм,
— ГАЗ-31029 автомобили, 1995 й., **бошланғич нархи** — 1100000 сўм,
— юмшоқ мебель тўплами, **бошланғич нархи** — 29171 сўм,
— 1202114 маркали стол 2 дона, **бошланғич нархи** — 85826 сўм,
— 1202080 маркали стол 3 дона, **бошланғич нархи** — 91780 сўм,
— 0200/А маркали кресло 1 дона, **бошланғич нархи** — 105480 сўм,
— 375 маркали стул 5 дона, **бошланғич нархи** — 149210 сўм,
— ЛХ-270 маркали кресло 2 дона, **бошланғич нархи** — 87718 сўм,
— тумба МОБ-4 маркали 2 дона, **бошланғич нархи** — 86102 сўм,
— 981 маркали стул 2 дона, **бошланғич нархи** — 31046 сўм,
— стол лампаси 1 дона, **бошланғич нархи** — 21022 сўм,
— «СОНИ» телевизори 1 дона, **бошланғич нархи** — 84000 сўм,
— уяли телефон 1 дона, **бошланғич нархи** — 193260 сўм,
— «СИНО» холодильники 1 дона, **бошланғич нархи** — 5532 сўм,
— пластмасса стол, тўрт бурчак 81 дона, **бошланғич нархи** — 179010 сўм,
— пластмасса стол, тўрт бурчак 19 дона, **бошланғич нархи** — 41990 сўм,
— суньий гуллар тўплами 15 дона, 2 тўплам, **бошланғич нархи** — 11250сўм ва 15750 сўм,
— пластмасса токчалар мажмуаси 1 дона, **бошланғич нархи** — 610 сўм,
— пластмасса кресло 396 дона, **бошланғич нархи** — 372240 сўм,
— пластмасса кресло 4 дона, **бошланғич нархи** — 3760 сўм,
— пластмасса стул 17 дона, **бошланғич нархи** — 13430 сўм,
— пластмасса стул 4 дона, **бошланғич нархи** — 3160 сўм,
— темир сандиқ (сейф) 2 дона, **бошланғич нархи** — 3385 сўм,
— офис мебели, Италия маҳсулоти, **бошланғич нархи** — 9530 сўм,
— «Алтай» телевизори 1 дона, **бошланғич нархи** — 3200 сўм,
— бюро учун стул 2 дона, **бошланғич нархи** — 3765 сўм,
— телефон аппаратлари 3 дона, бошланғич нархлари — 300 сўм, 1172 сўм ва 2276 сўм,
— кондиционер БК1800 2 дона, **бошланғич нархи** — 4097 сўмдан,
— хона учун соат 1 дона, **бошланғич нархи** — 3625 сўм,
— пол учун қоплам 67,2 кв.м., **бошланғич нархи** — 237048 сўм,

3. «Кўмир» акциядорлик жамиятига қарашли:
— кўмир 2 БОМСШ 0-50, 20000 тонна, ҳар бир тоннаси — 3353 сўм, умумий баҳоси — 67060000 сўм.

4. «Табиат совғалари» жамоа корхонасига қарашли:
— ГАЗ-53Б автомашинаси, 1971 й., **бошланғич нархи** — 80000 сўм,
— Автокатофалк ПАЗ 651, 1964 й., **бошланғич нархи** — 70000 сўм,

5. «Мустақил ишлаб чиқарувчилар ҳамдўстлиги» акциядорлик жамиятига қарашли:
— ГАЗ-3307 юк автомашинаси, 1991 й., **бошланғич нархи** — 250000 сўм,
— ГАЗ-3307 юк автомашинаси, 1994 й., **бошланғич нархи** — 250000 сўм,
— ГАЗ-31029 автомашинаси, 1994 й., **бошланғич нархи** — 1000000 сўм,

6. «Ўзжилдорреммаш» бирлашмасига тегишли:
— металл тунука, қалинлиги 6 мм, 10 тонна, **бошланғич нархи** — 1176000 сўм,
— краска-эмаль, ҳар хил рангли, 2498 кг, ҳар бир килоси — 430 сўмдан,
— қурилиш тахтаси 15 куб метр, ҳар бир куб метри — 30000 сўмдан.

7. — Қора-Қамиш 2/4, Ўрозбоев кўчаси, 7 да (Қора-Қамиш бозори ҳудудида) жойлашган 376 кв. м. бўлган универмаг, **бошланғич нархи** — 2800000 сўм,

8. «Ўзбекқишлоқмаш» очиқ турдаги акционерлик жамиятига қарашли:
— ГАЗ-24 автомашинаси, 1978 й., **бошланғич нархи** — 100000 сўм.

9. Давлат фойдасига мусодара қилинган ва Тошкент шаҳар солиқ бош бошқармаси томонидан тақдим этилган қуйидаги автомобиллар:
— ВАЗ-21063 автомашинаси, 1988 й., **бошланғич нархи** — 164700 сўм,
— ВАЗ-21013 автомашинаси, 1983 й., **бошланғич нархи** — 54000 сўм,
— ВАЗ-21013 автомашинаси, 1978 й., **бошланғич нархи** — 48827 сўм,
— ЗАЗ-968М автомашинаси, 1988 й., **бошланғич нархи** — 20000 сўм,
— ГАЗ-21 автомашинаси 1966 й., **бошланғич нархи** — 24000 сўм,

Биржа савдоларига қуйидагилар қўйилади:

1. «УКМ ОТҲЖ» га қарашли:
— ГАЗ-66 автомашинаси, 1988 й., **бошланғич нархи** — 60000 сўм,
— КАВЗ-3227 автомашинаси, 1987 й., **бошланғич нархи** — 80000 сўм,

2. «SDF» очиқ турдаги акциядорлар жамиятига қарашли:
— ГАЗ-24 автомашинаси, 1981 й., **бошланғич нархи** — 115914 сўм,

3. «Халқ банки»нинг Тошкент шаҳар бўлимига қарашли:
— Москвич-412 автомашинаси, 1983 й., **бошланғич нархи** — 30000 сўм.

4. «АВЭК МОТОРС» очиқ турдаги акциядорлар жамиятига қарашли:
— УАЗ-3303 автомашинаси, 1986 й., **бошланғич нархи** — 70000 сўм,
— КАВЗ-3270 автомашинаси, 1990й., **бошланғич нархи** — 80000 сўм,
— КАМАЗ-53212 автомашинаси, 1990 й., **бошланғич нархи** — 280000 сўм,
— КАВЗ-685 автомашинаси, 1985 й., **бошланғич нархи** — 70000 сўм,
— ИЖ-2715 автомашинаси, 1987 й., **бошланғич нархи** — 50000 сўм,

Бизнинг янги манзилимиз: Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, Алишер Навоий кўчаси, 16-а уй ёнида, мўлжал — «Шарқ гули» АЖнинг фирма дўкони. Тел: 144-44-72, 144-44-73.

Учрашув келгуси йили бўлади

«Катта саккизлик» мамлакатларининг олий даражадаги учрашуви 2000 йили Японияда бўлиб ўтади. Бу ҳақда Япония ҳукумати раҳбари Кэйдзо Обути қарор қабул қилди.

К. Обутининг таклифига биноан, «катта саккизлик» сафига кирувчи мамлакатлар раҳбарларининг учрашуви Окинавада, молия ва ташқи ишлар вазирлари даражасидаги учрашувлар эса Фукуоке ва Миядзакида бўлиб ўтади.

Шу пайтга қадар Японияда «катта саккизлик»нинг кенгаши уч маротаба, яъни 1979, 1986 ва 1993 йиллари ўтказилган.

Парламент қонунни маъқуллади

Камбоджа парламенти пиёда аскарларга қарши қўлланиладиган миналардан фойдаланишни тақиқлаш тўғрисидаги қонунни маъқуллади.

Камбоджа миналардан тозалаш маркази бошлиғи Ленг Моулининг таъкидлашича, мазкур қонун мамлакат учун ўта муҳим бўлиб, у аҳоли ўртасидаги бевақт ўлимнинг камайишига ва моддий йўқотишларнинг ҳам маълум даражада олди олинишга хизмат қилади.

Сўнгги йилларда Камбоджада миналардан фойдаланишни тақиқлаш ва ундан тозалаш борасида салмоқли ишлар амалга оширилди. Уларнинг натижаси ўлароқ, мамлакатда миналар портлаши туфайли жароҳатланаётганлар сони ойига 150 тадан 50 тагача камайган.

Полициячилар кенгашди

Ханойда АСЕАНга аъзо мамлакатларнинг полиция хизмати раҳбарлари даражасидаги кенгаш бўлиб ўтди. Учрашувда жиноятчиликка қарши кураш бўйича ҳамкорлик қилишга келишиб олинди. Шунингдек, кенгаш иштирокчилари кадрлар тайёрлаш, ахборот алмашиш ҳамда наркотик моддалар контрабандаси, савдо ва молия соҳасидаги жиноятчилик, қалбаки паспорт ва валюта ишлаб чиқарувчиларга қарши кураш масалалари юзасидан ҳам фикр алмашди.

40 фоизга ўсган

Россиянинг Иваново вилоятида жорий йилда 7800 маротаба жиноят содир бўлди, деб хабар беради РАТА-ТАСС ахборот маҳкамаси. Бу ўтган йилнинг шу давр ичида бўлган жиноятлар сонига қараганда қирқ фоизга кўп.

Иваново вилояти ички ишлар вазирининг биринчи ўринбосари Александр Масловнинг айтишича, ўтган йилга қараганда жорий йилда оғир жиноятлар сони олтмиш фоизга ўсган. 1998 йилнинг августида молиявий қийинчиликлар туфайли ички ишлар хизматчилари сонининг қисқариши жиноятчиликнинг кескин кўпайишига сабаб бўлди.



ДУШАНБА 3

1TV

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.40 «Таҳлилнома».
8.40 «Ўзлик». Бадиий публицистик кўрсатув.
9.05 «Менга қарата олма от». Қисқа метражли бадиий фильм.
9.40 «Олтин тож». Телевизион ўйин.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 Кино янгиликлари.
10.20 Кундузги сеанс: «Лалварлик овчи». Бадиий фильм.
11.30 «Қишлоқ ҳақида ўйлар».
11.45 «Кундуз амакининг қиссалари».Мультсериал.
12.05 Ўзбекистон телерадиокомпанияси халқ чолғу оркестрининг концерти.
12.30 «Санъат олами».
12.50-14.00 «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи».

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Аралаш». Ҳажвий киножурнал.
18.25 «Шаҳар бедарвоза эмас».
18.45 Кураш бўйича I жаҳон чемпионатининг якунларига доир.
19.05 «Тафсилот».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 22.20 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Биржа ва банк хабарлари.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: А. Қодирий «Меҳробдан чаён». Кўп қисмли видеофильм. 9-қисм.
21.50 «Умрбоқий қўшиқлар».
22.25 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари». Телесериал. 43-қисм.
23.15 «Маънавият» дастури.
00.05 «Ахборот».
00.35-00.40 Ватан тимсоллари.

ТОШЛАР TELEKANALI

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади («Ким эпчил-у, ким чаққон», Мультомоша)
18.40 «Ақл ёшдамас».
18.55 «Мусиқий лаҳзалар».
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 «Ёшлар» телеканалида.
19.35 «Душанбада кўришгунча».
19.50, 20.20, 23.15 Эълонлар.
19.55 «Рей Брэдбери театри». Телесериал.
20.25 «Жаҳон» Халқаро шарҳ.
20.45 «Сурур» Мусиқий дастур.
21.00 «Давр». Ахборот дастур.
21.30 «Ёшлар» телеканалида.
21.35 «Муносабат».
21.55 Спорт дастури: 1.Кураш бўйича I жаҳон чемпионатининг якунлари. 2. Олам футболи.
22.35 «Эгиз қўшиқлар».
22.55 «Ёшлар» телеканалида.
23.00 «Шарқ эстрадаси».
23.20 Синема. «Диггтаун».
00.50 «Спорт-китъаси».
01.20 «Хайрли тун !»

TTV

17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «Пойтахт». Информацион кўрсатув.
18.10 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.25 «Сен ҳақингда ва сен учун».
18.40 «Челенджерс. Фавқулоддаги вазиятлар». Телесериал.
19.25, 19.55, 20.25,21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Бурч ва масъулият».
20.15 «Телефакт».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Очиқ дарс».
21.30 «Пойтахт». Информацион кўрсатув.
21.45 «Спорт-тайм».
22.10 «Талабларга биноан».
22.30 «Пойтахт». Информацион кўрсатув.
22.45 «Морена Клара». Телесериал.
23.35 Тунги пойтахт
23.50 Оҳанглар ва эълонлар.
23.55 Саргузашт фильмлар экрани.
01.30 Хайрли тун, шаҳрим!

«АЛАН-СЕРВИС» АЖ
барча турдаги
тракторлар
эҳтиёт қисмларини
ТАКЛИФ ЭТАДИ
Дўконимизда ҳамиша Т-28, МТЗ-80, «Алтай» ва бошқа русумли тракторларнинг 500дан ортиқ эҳтиёт қисмлари пул ўтказиш йўли билан сотилади
Манзил: Тошкент шаҳри, Жаркўрғон кўчаси, 43-уй. «Сельхоззапчасти» дўкони. Телефон: (3712) 96-63-21.

4TV

14.00-15.05 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
15.05 Кўрсатувлар тартиби.
15.10 «СНН.Жаҳон янгиликлари»(инглиз тилида).
15.40 «Бинафша».
16.00 «Вақт хазинасидан».
16.15 «Мультчархпалак».Ака-ука Гримм эртаклари.
16.30 «Жонли тил».
Россия жамоат телевидениеси.
17.15 99 йил қўшиқлари.
18.00 «Кумушранг серия». Пьер Ришар «Назардан четда қолдирма» комедиясида.
19.45 Ҳайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 «Время»
20.35 «Мерос». Тарихий сериал.
21.25 «Оламда нима гап?» Ахборот кўрсатуви.
21.30 «Оқшом ҳаёли» .
21.45 ТВ - 4 да «Немис тўлқини».
22.00 «Вести»
22.30 Киносеанс: «Элвис ва мен».Бадиий фильм 2-серия (АҚШ).
00.05 «Ахборот» (рус тилида).
00.30 Тунингиз осуда бўлсин!

СЕШАНБА 4

1TV

6.30 «Ассалом ,Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот».
8.30 Республика газеталарининг шарҳи.
8.45 Лирик тароналар.
9.10 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари». Телесериал. 43-қисм.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 «Маънавият» дастури.
10.55 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Ўн учинчи Осиё ўйинлари». Премьера.
11.20 «Севги сурури». Мусиқий дастур.
11.45 «Кичкина деманг бизни...».Спорт дастури.
12.05 «Кундуз амакининг қиссалари». Мультсериал.
12.35 «Ёшлик баҳори».
13.15-14.00 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: А.Қодирий. «Меҳробдан чаён». Кўп қисмли видеофильм. 9-қисм.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 Болалар учун «Бешбармоқ».
18.30 «Ҳунарманд».Тележурнал.
18.50 «Шеър ва шуур».
19.00 «Бинокор».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 22.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Аёл дунёни тебратар».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Истиқлолим — истиқболим». Одил судлов йўлидан.
21.20 «Гўзал бўстон бу». Мусиқий дастур.
22.05 ЎзТВ экранида биринчи марта «Индаба». Кўп қисмли бадиий фильм. 5-6 сериялар.
22.55 «Қиёфа». Ёқуб Аҳмедов.
23.25 «Ахборот».
23.55-24.00 Ватан тимсоллари.

ТОШЛАР TELEKANALI

18.00 Кўрсатувлар дастури
18.05 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари». Телесериал. 43-қисм.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 «Ёшлар» телеканалида.
19.35 «Солиқ ҳақида сабоқлар».
19.50 «Мусиқий лаҳзалар».
19.55, 20.25, 23.15. Эълонлар.
20.00 «Рей Брэдбери театри». Телесериал.
20.30 «Марду-майдон».
20.50 «Сарвиноз». Мусиқий дастур.
21.00 «Давр». Ахборот дастури.
21.30 «Ёшлар» телеканалида.
21.35 «Ғазал соғинчи».
21.55 «Мунисам».
22.15 Сиз севган гуруҳ: «Байрам».
22.35 «Парламент».
22.55 «Кинотилсим».
23.10 «Ёшлар» телеканалида.
23.20 Синема. «Ўзлигини унутганлар».
01.00 «Хайрли тун!»

TTV

17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «Пойтахт».Информацион кўрсатув.
18.10 «Ёрилтош» Мульттўплам.
18.30 «Сен ҳақингда ва сен учун».
18.40 «Челенджерс. Фавқулоддаги вазиятлар».
19.25, 19.55 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Суҳбатдош».
20.30 «Ахборот».
21.05 Кураш бўйича I жаҳон чемпионатига бағишланган якуний кўрсатув.
21.30 «Пойтахт». Информацион кўрсатув.
21.45 «Туризм ҳақида». Ҳафталик шарҳ.
22.15 Мусиқий йўлка.
22.30 «Пойтахт». Информацион кўрсатув.
22.45 «Морена Клара». Телесериал.
23.35 Тунги пойтахт.
23.50 Оҳанглар ва эълонлар.
23.55 «Кинонигоҳ».
01.30 «Хайрли тун, шаҳрим!»

4TV

14:00-15.05 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
15.05 Кўрсатувлар дастури.
15.10 «СНН. Жаҳон янгиликлари» (инглиз тилида).
15.40 «Бинафша».
16.00 «Вақт хазинасидан».
16.15 «Мультчархпалак».Ака-ука Гримм эртаклари.
16.30 «Жонли тил».
Россия жамоат телевидениеси.
17.15 99 йил қўшиқлари.
18.00 «Кумушранг серия». Пьер Ришар «Назардан четда қолдирма» комедиясида.
19.45 Ҳайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 «Время»
20.35 «Мерос». Тарихий сериал.
21.25 «Оламда нима гап?» Ахборот кўрсатуви.
21.30 «Оқшом ҳаёли» .
21.45 ТВ - 4 да «Немис тўлқини».
22.00 «Вести»
22.30 Киносеанс: «Элвис ва мен».Бадиий фильм 2-серия (АҚШ).
00.05 «Ахборот» (рус тилида).
00.30 Тунингиз осуда бўлсин!

ЧОРШАНБА 5

1TV

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот».
8.30 «Наво таралсин». Мусиқий дастур.
9.00 «Озода бўлса шаҳринг».
9.20 «Остонаси тиллодан». Адабий кўрсатув.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 Кундузги сеанс: «Сени ҳеч қачон унутмайман». Бадиий фильм.
11.25 «Талаб ва таклиф».
11.45 «Мураббий». Спорт дастури.
12.05 Болалар учун театр: «Бахт қуши».
12.50 «Жараён».
13.10 Кундузги сеанс: «Индаба». Кўп қисмли бадиий фильм. 5—6-сериялар.
14.10-14.40 «Ботма, қуёш».

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 Болалар учун «Гулғунчалар».
18.30 «Ўтмишдан садолар».
18.45 «Куйлардан қўшиқларга».
19.05 «Фермер». Телетанлов.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Таълим- тарбия миллий дастури амалда».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот». .
21.05 «Тараққиёт йўли».
21.25 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: А. Қодирий «Меҳробдан чаён». Кўп қисмли видеофильм. 10 қисм.
22.10 «Санъатим — саодатим». И.Ғуломов.
22.40 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари». Телесериал. 44-қисм.

«Тунги ҳамроҳ».

23.20 «Талабалик йилларим».
23.40 «Ёшлар ва эстрада».
00.05 «Ахборот».
00.35-00.40 Ватан тимсоллари.

ТОШЛАР TELEKANALI

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади («Спорт майдончаси», «Келинг, танишайлик», Мультомоша)
18.40 «Семурғ». Ўсмирлар учун кўнгилочар дастури.
18.55 Клип-антракт.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 «Дил рози». Мусиқий дастур.
19.35 «Ракурс».
20.00 «Спортлотто».
20.10 «Лаззат».
20.30, 23.00. Эълонлар.
20.35 «Спектаклдан сўнг».
20.55 «Мусиқий лаҳзалар».
21.00 «Давр». Ахборот дастури.
21.30 «Ёшлар» телеканалида.
21.35 «Танишинг: Жасур Ризаев».
21.50 «Авторейд».
22.00 «Давр»-интервью.
22.10 «Хотира».
22.25 «Каталог».
22.35 «Хит-коллекция».
22.55 «Ёшлар» телеканалида.
23.05 Синема. «Тузоққа илинтириш».
00.35 Хайрли тун!

TTV

17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «Пойтахт». Информацион кўрсатув.
18.10 «Ёрилтош», Мультўплам.
18.25 «02»тўлқинида.
18.40 «Челенджерс. Фавқулоддаги вазиятлар». Телесериал.
19.25, 19.55 20.25, 21.00 ЭЪЛОНЛАР.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
20.20 Мусиқий дақиқалар.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Онагинам».
21.30 «Пойтахт». Информацион кўрсатув
21.45 «Хайрли оқшом».
22.15 Кичик концерт.
22.30 «Пойтахт». Информацион кўрсатув.
22.45 «Морена Клара». Телесериал
23.35 Тунги пойтахт.
23.50 «Кўзгу». Тележурнал
00.10 Оҳанглар ва эълонлар.
00.15 Кинонигоҳ.
01.50 «Хайрли тун, шаҳрим!»

4TV

Россия жамоат телевидениеси
6.30-8.00
14.00-15.05 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
15.05 Кўрсатувлар дастури.
15.10 «СНН.Жаҳон янгиликлари» (инглиз тилида) .
15.40 «Мюзик-холл».
16.00 «Севги йўлида». Сериал.
17.00 «ТВ - 4 да «Немис тўлқини»
17.15 «Куйини топинг».
17.50 «Мультчархпалак».Ака-ука Гримм эртаклари. «Бўри ва тулки». 1-серия.
18.05 «Мафусаил». Бадиий фильм. (АҚШ).
Россия жамоат телевидениеси
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 «Время».
20.35 «Мерос». Тарихий сериал.
21.25 «Оламда нима гап?» Ахборот кўрсатуви.
21.05 «Армуғон». Эстрада куйларидан концерт.
21.30 «Пойтахт». Информацион кўрсатув.
21.45 «Яхши кайфият».
22.15 «Тошкент ва тошкентликлар».
22.30 «Пойтахт». Информацион кўрсатув.
22.45 «Неблина». Телесериал.
23.35 «Жаҳон спорти».
23.50 Тунги пойтахт.
00.05 Оҳанглар ва эълонлар.
00.10 Кинонигоҳ.
01.50 «Хайрли тун, шаҳрим!»

4TV

Россия жамоат телевидениеси
6.30-8.00

14.00-15.05 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
15.05 Кўрсатувлар тартиби.
15.10 «СНН.Жаҳон янгиликлари»(инглиз тилида).
15.40 «Дил изҳори».
16.00 «Севги йўлида». Сериал.
17.00 «Спорт клуб».
17.15 «Куйини топинг».
17.50 «Мультчархпалак».Ака-ука Гримм эртаклари. «Бўри ва тулки». 2-серия.
18.05 «Ўрлднет» янгиликлари.
18.15 Питер О,Тул «Мададқор руҳ» фильмида.
19.40 Клип антракт
Россия жамоат телевидениеси
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.0 «Время».
20.35 «Мерос» .Тарихий сериал.
21.25 «Оламда нима гап?». Ахборот кўрсатуви.
21.30. «СНН-шоу».
21.45 « Кино сайёраси».
22.00 «Вести».
22.30 Кинематограф:Режиссёр Ф. Копполнинг «Коттон» клуби» фильми.
00.35 «Ахборот».(рус тилида). 01.00 «Тунингиз осуда бўлсин!»

ЖУМА 7

1TV

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот».
8.30 «Мухлис ёхуд қўшиқ изидан». Мусиқий дастур.
9.00 «Зийнат».
9.20 «Ишқнома». Адабий кўрсатув.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 Немис тили.
10.35 «Олимпиадачилар орамизда». Спорт дастури.
10.50 «Зор интизор». Бадиий фильм.
12.05 «Сомон йўли».
12.35 «Инсон ва қонун»га хатлар.
12.50 «Оламни асранг!»
13.15 Кундузги сеанс: «Индаба». Кўп қисмли бадиий фильм. 7-8 сериялар.
14.10 «Шарқ тароналари».
14.30-15.00 «Диёр».

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 Хотира ва Қадрлаш кунига: «Бир сиқим тупроқ».
18.30 «Таянч нуқтаси».
18.45 «Шарқнинг машҳур аёллари».
19.05 «Имконият»
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Рақибингиз — гроссмейстер».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Истиқлолим — истиқболим»
21.25 «Соҳибқирон». Видеофильм. 2-қисм.
22.20. «Муҳаббатим соғинчи». Мусиқий дастур.
22.50 «Оила». Тележурнал.
23.20 «Халқнинг кўнгли».
23.40 «Ахборот».

«Мунаввар дунё».
Дам олиш дастури.

00.10 «Момо ер». Бадиий фильм.
01.20-01.25 Ватан тимсоллари.

ТОШЛАР TELEKANALI

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади («Дунё ва болалар», Мультомоша)
18.40 «Ёшлар ва маънавият». Хотира ва Қадрлаш кунига бағишланади.
18.55 «Мусиқий лаҳзалар».
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 «Ёшлар» телеканалида.
19.35 «Талабалар шаҳарчаси».
19.50 «Далил ва шарх». Хотира ва Қадрлаш кунига бағишланади.
20.05, 20.35, 23.25. Эълонлар.
20.10 «Рей Брэдбери театри». Телесериал.
20.40 «Ҳужжатли кино бисотидан: «Биринчи тайм». «Пахтакор» футбол командаси хотирасига.
20.55 «Созим - дил розим».
21.00 «Давр» Ахборот дастури.
21.30 «Ёшлар» телеканалида.
21.35 «Автосалтанат».
21.50 «Наволарда аён этсам». Мусиқий дастур.
22.00 «Азизим».
22.25 «Спорт ҳафтаномаси».
22.45 «Шарқ оҳанглари».
23.00 «Ёшлар» телеканалида.
23.05 «Лайлони хотирлаб».
23.30 Синема. «Дейзи хоним».
02.20 «Мунаввар тонг истаб».
23.35 Ҳар жумада.
23.40 Тунги пойтахт.
23.55 «Тунчироқ». Дам олиш дастури.
00.25 Оҳанглар ва Эълонлар.
00.30 «Кинонигоҳ» .
02.00 «Хайрли тун, шаҳрим!»

4TV

Россия жамоат телевидениеси
6.30-8.00
14:00-15:05 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
15.05 Кўрсатувлар тартиби.
15:10 «СНН.Жаҳон янгиликлари», (инглиз тилида).
15.40 «Бу ажиб дунё».
16.00 «Севги йўлида». Сериал.
17.00 «СНН-шоу»
17.15 «Джентельмен-шоу.».
17.55 «Мультчархпалак».Ака-ука Гримм эртаклари. «Холл хола». 1-серия.
18.10 «Сира ундай қилма». Кинокомедия.
Россия жамоат телевидениеси
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 «Время».
20.35 «Мерос».Тарихий сериал.
21.25 «Оламда нима гап?». Ахборот кўрсатуви.
21.30 «Дурдаршан».
22.00 «Вести».
22.30 Кининг олтин асри: «Муҳаббат кучи». Мелодрама.
00:05 «Ахборот» (рус тилида)
00.30 Тунингиз осуда бўлсин!

ШАНБА 8

1TV

6.30 «Ассалом,Ўзбекистон!».
8.00-8.30 «Ахборот».
8.30 Республика газеталарининг шарҳи.
8.50 «Мусиқа бўстони».Телеальманах.
9.10 «Ҳидоят сари».
9.35 «Ўзбекистон спортининг нуфузи».

«Умид» намойиш этади:

9.50 «Оқибат».
10.10 «Кўзгу».
10.30 «Она қалби» .Теленовелла.
10.50 «Тадбиркорлик: бугун ва эртага».
11.10 «Саналар сарвари».Телетанлов.
11.50 «Бўстон».Тележурнал.
12.20 «Мен нечун севаман Ўзбекистонни». Публицистик кўрсатув.
12.55 «Телевизион миниатюралар театри».
13.35 «Шоҳрух клуби».
14.05 Ойбек. «Қизлар». Видеофильм.
14.45-15.00 «Замин қадри».

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Хотира ва қадрлаш кунига: «Уйғоқ қонлар».
18.25 «Иқтисод ва биз»
18.50 «Бахтли воқеа».
19.25, 20.25, 21.00 ЭЪЛОНЛАР
19.30 «Ахборот»(рус тилида)
19.55 Оқшом эртаклари.
20.10 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
20.20 «Жаҳон спорти».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Соҳибқирон». Видеофильм. 3-қисм.
22.10 «Кишлоқ ҳаёти».
22.30 «Оталар чойхонаси». Мусиқий дам олиш дастури.
23.30 «Ахборот».

«Тунги ёғду»
Дам олиш дастури:

24.00 Куй ва тасвир.
00.20 «Ғаройиб коллекционер». Бадиий фильм..
01.55-02.00 Ватан тимсоллари.

ТОШЛАР TELEKANALI

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Янги авлод» студияси намойиш этади.
9.50 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари». Телесериал. 43-қисм.
10.45 «Ёшлар» телеканалида.
10.50 «Сурур» Мусиқий дастур.
11.00 «Хотира майдони».
11.20 «Тинчлик маданияти».
11.50 «Бухоройи Шариф». Мусиқий фильм. 1-қисм.
12.15 «Лаззат».
12.35 «Рамаяна». Телесериал.
13.10 «Ракурс».
13.35 «Эски альбомдан».
13.40 «О,ёшлигим».
14.00 «Мусиқий лаҳзалар».
14.05 «Сир».
14.25 «Ўтган кунлар». Соҳибқирон Амир Темур. Хотира ва Қадрлаш кунига бағишланади.
14.45 «Кунг-фу тарихи». Телесериал.
15.30. «Эгиз қўшиқлар».
15.50 Синема.
17.20 «Каталог»
17.30 «Эски альбомдан».
17.35 «Очун». Ботир Зокиров.
17.55 «Ёшлар телеканалида».

* * *

18.00 «Янги авлод» студияси намойиш этади («Бўш ўтирма», Мульттомоша)
18.35 «Ёр ишки». Мусиқий дастур.
18.55 «Эски альбомдан».
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 «Ёшлар» телеканалида.
19.35 «Хуш келибсиз».
19.50, 20.30, 23.30. Эълонлар.
19.55 «Рамаяна». Телесериал.
20.35 «Бизнес-академия».
20.55 Ўзбек мумтоз шеъриятидан.
21.00 «Давр». Ахборот дастури.
21.30 «Ёшлар» телеканалида.
21.35 «Туйғу». Хотира ва Қадрлаш кунига бағишланади.
21.55 «Аждодлар хотираси».
23.10 «Кинотақдим».
23.35 XXI аср сари «Садо-99» профессионал қўшиқчилар курик танлови.
00.50 «Хайрли тун!»

TTV

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Пойтахт тонги».
9.30 «Ёрилтош». Мультўплам.
9.50 «Сансет Бичнинг муҳаббати ва сирлари». Телесериал.
10.35 «Ҳамшаҳарлар».
11.05 Болажонлар экрани.
12.35 «Таянч».
12.55 «Бева Бланка». Телесериал.
13.40 «Дўстлик» видеоканали: «Чинсэн», «Сахий хонадонда».
14.25 «Жума оқшомида».
14.50 «Спорт тайм».
15.15-16.55 «Кинонигоҳ».
17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «Ёрилтош».Мультўплам.
18.10 «Мисли гавҳар».
18.30 «Қонун ҳимоясида».
18.40 «Яхши, ёмон йигитлар». Телесериал.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Янги ой чиққан кеча».
20.20 Дилором наволар.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Муаллиф».
21.30 «Пойтахт». Информацион кўрсатув.
21.45 «Тошкент оқшоми». Телешоу.
22.20 Мусиқий дақиқалар.
22.30 «Пойтахт». Информацион кўрсатув.
22.45 «Даллас». Телесериал.
23.35 Оҳанглар ва эълонлар.
23.40 «Кинонигоҳ».
01.20 «Хайрли тун, шаҳрим!»

4TV

9:00 Кўрсатувлар тартиби.
9:05 «Кино сайёраси».
9.20 Кинематограф: «Коттон» клуби». Бадиий фильм.
11.25 «Жонли сайёра».
11.40 -12.25 «Биргаликда куйлаймиз».
17:00-18:10 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
18.10 Кўрсатувлар тартиби.
18.15 «Бинафша».
18.35 Қизил хоч ва қизил ярим ой ҳаракати халқаро кунига: «Бизнинг рамзимиз».Ҳужжатли фильм
Россия жамоат телевидениеси
19.00 «Мўъжизалар майдони».
20.00 «Время».
20.30 Кинематограф: «Ҳукм этилган». Бадиий фильм.
22.05 «Дил изҳори».
22.15 Катрин Денев ва Жерар Депардье «Сўнгги метро» фильмида.
00.30 «Ахборот»(рус тилида)
00.55 Тунингиз осуда бўлсин!

ЯКШАНБА 9

1TV

ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИ

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот».
8.30 «Камалак».Болалар учун кинодастур.
9.15 «Ғаройибот».
9.30 «Диёр мадҳи».Мусиқий дастур.
10.00 «Ватанимга хизмат қиламан».Байрам сони.
11.00 «Маҳалламиз болалари».Телемусобақа
11.50 «Мўйқаламни қуролга алмаштириб». С. Абдуллаев.
12.10 «Юрт ўғлонлари».
12.30 «Бардош». Бадиий фильм.
13.45 «Болалигим осмони».Композиция.
14.00 Тошкент шаҳри майдон ва хиёбонларидан репортаж.
14.15 С. Аҳмад «Уфқ». Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театри спектаклининг премьераси. 1-қисм.
15.15 «Олам қўшиққа тўлсин».Мусиқий дастур.
15.50 С. Аҳмад. «Уфқ».Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театри спектаклининг премьераси. 2-қисм.
16.50 «Яхшилар ёди». Кинокомпозиция.
17.00 Тошкент шаҳри майдон ва хиёбонларидан репортаж.
17.15 Мушоира.
17.35 «Ўзкинохроника» намойиш этади: «Ал-Фарғоний». Премьера.
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Олтин тож».Телевизион ўйин.
18.20 «Жавҳар».
18.40 «Қўшиғимдасан Ватан». Мусиқий дастур.
19.00 «Ўзлик». Бадиий-публицистик кўрсатув.
19.25, 20.00, 20.25, 21.10 ЭЪЛОНЛАР.
19.30 «Таҳлилнома»(рус тилида).
20.05 «Кўнгил».
20.30 «Таҳлилнома».
21.15 «Эъзоз».
22.45 «Дилларни шод этиб...».
23.20 «Юлдузлар шуъласи». Мусиқий-дам олиш дастури.
00.20 «ТВ-1 намойиш этади».Телеанонс.
00.35 «Муҳаббат мажмуаси». Бадиий фильм.
01.50 -01.55 Ватан тимсоллари.

ТОШЛАР TELEKANALI

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Янги авлод» студияси намойиш этади.
9.50 «Кўҳна ва янги оҳанглар».
10.00 «Очун». Мадаминбек.
10.20 Ш.Холмирзаев. «Қадимда бўлган экан». Видеофильм.
11.35 «Мусиқий лаҳзалар».
11.40 «Ёнмаган ёзувлар».
12.00 «Бухоройи Шариф». Мусиқий фильм. 2-қисм.
12.35 «Эски альбомдан».
12.40 Бизнес-академия.
13.00 «Мафтунингман». Бадиий фильм.
14.20 «Ўзбек мумтоз шеъриятидан».
14.25 «Азизим»
14.50 «Она қасидаси». 1-қисм.
15.00 Хотира майдонидан репортажи.
15.10 Мусиқий лаҳзалар.
15.20 Синема.
16.50 «Она қасидаси». 2-қисм.
17.00 «Бугуннинг боласи: Биз тинчликни куйлаймиз».
17.20 «Янги авлод» студияси намойиш этади («Катта танаффус»)

***

18.00 «Хотира майдонидан репортаж».
18.10 «Миллионлар ўйини».
18.35 «Очун». Жалолиддин Мангуберди.
18.55 «Эски альбомдан».
19.00 «Давр» Ахборот дастури
19.30 «Хотира». Видеофильм премьераси..
23.00 Эълонлар.
20.20 «Меҳр кўзда». 1-қисм.
21.00 «Давр». Ахборот дастури.
21.30 «Ўзбек мумтоз шеъриятидан».
21.35 «Баҳс».
22.05 «Ёшлар» телеканалида.
22.10 «Меҳр кўзда». 2-қисм.
23.05 «Сен етим эмассан». Бадиий фильм.
00.30 Тонг юлдузи.

TTV

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Пойтахт тонги».
9.30 «Ёрилтош». Мультўплам.
9.50 «Ишдаги ишқ ёки...».
10.20 «Сансет Бичнинг муҳаббати ва сирлари». Телесериал.
11.05 «Юртим жамоли».
11.30 Болажонлар экрани.
13.10 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
13.30 «Бева Бланка». Телесериал.
14.15 «Жозиба».
14.25-16.05 «Такрорий фильмлар экрани».

* * *

17.55 «Якшанбадан якшанбагача».
18.10 «Ёрилтош». Мультўплам.
18.30 «Бир аёл тарихи». Ф. Турғунова.
18.45 «Эл аро инсон азиз».
19.00 «Табриклаймиз, қутлаймиз».
19.25, 20.00, 20.25, 21.10 Эълонлар.
19.30 «Таҳлилнома» (рус тилида)
20.05 «Дурдона».
20.30 «Таҳлилнома».
21.15 «Етти иқлим садоси».
21.30 «Пойтахт». Информацион кўрсатув.
21.50 «Даллас». Телесериал.
22.40 «Пойтахт». Информацион кўрсатув.
23.00 Санъаткор ижоди. «Ибрат».
23.25 Театр билан учрашув. А.Дельмар. «Ғариблар».Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрининг спектакли.
01.25 «Ҳайрли тун, шаҳрим!»

4TV

9:00 Кўрсатувлар тартиби.
9.05 «Эртакларнинг сеҳрли олами»
10:25 «Парле ву франсэ?»
10:50 « Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
11:00 «Оскар» мукофоти совриндорлари.1973 йил».
11.20 Кинематограф: «Рампа нурлари». Бадиий фильм.
13.20 «Фан-тайм». (Болалар учун инглиз тили).
13.30 -14.15 «Дўстлик» видеоканали: «Дидар», «Айчурек».
17:00-18:10 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
Россия жамоат телевидениеси
18.10 Унутилмас фильм. «Турналар учганда».
20.00 «Время».
20.25 «Келажак ҳақида ўйлар».
20.55 «Бу ажиб дунё».
21.15 «Салом, ёшлар».
21.40 «Кинопрофи».
22.05 Якшанба кинозали: «Тўрт хона» .Бадиий фильм (АҚШ)
23.45 «Таҳлилнома» (рус тилида).
00.15 Тунингиз осуда бўлсин!

Тошкент шаҳар хўжалик судининг қарорига асосан «Оқлон» хусусий фирмаси банкрот деб эътироф этилиши муносабати билан думалоқ мухри ва бурчак штампи

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Аризалар бир ой давомида Амир Темур кўчаси, 24-уй, 4 қават, 410 хонада қабул қилинади

Тошкент шаҳар Хамза туманидаги

Ойдин ҲОЖИЕВА,
Ўзбекистон халқ шоири

УМР ЧАРХПАЛАГИ

Шеър ва шуур

ЧОРЛАШ

Қайлардасан, камнамо илҳом,
Қийик бўлиб чўлларга қочдинг?
Ё мен билмай қолдим: намозшом
Марваридинг кўлларга сочдинг?

Сайёд бўлай десам—ўқим йўқ,
Ғаввос эсам — йўқдир қувватим.
Тўр ташлайман — тўрим қуп-қуруқ,
Чўлда юрар соя-сувратим.

Мен сеҳргар эмасман, ёху —
Қаср пайдо айласам зумда.
Юрагимнинг занг босган оҳи
Барг чиқарди қарри гужумда.

Қай каптарнинг юрагидасан,
Ёқут тошдай беркинган тилсим.
Қай баҳорнинг дарагидасан,
Ҳаётимга кел, эй, хуш насим!

Кел, қуриган дарёга сел бўл,
Одамови руҳимга эл бўл,
Мен қовжираб қақшадим-ёндим,
Жисмим узра совуган кул бўл.

Дўсту душман орасин очиб,
Ҳабиб айла, дўст айла бир йўл.
Тандан жондай юрмагил қочиб,
Кел, Ҳизрдай чўзгил менга қўл!

ᘓᘒ ✧ ᘓᘒ

Менинг маъмур умрим,
мангу ёш умрим,
Эртакларда қолган
ёнар тош умрим.
Чархпалак йўлига
тескари тушган
Кўзадай бўляпсан оҳ,
одош умрим.
Чархпалак,
жонимни чайнадинг тинмай,
Ҳар қатра томчидан
гулми ё чечак,
Тиканми, чақиртош
унди пайдар-пай,
Билолмай гарангман,
айтгил, чархпалак!
Юрагим об бўлди,
дил селоб бўлди,
Кўзанинг кўнгли ҳам
чингилтоб бўлди,
Кўзанинг ичига қамалган девдай
Кучим-қудратим ҳам охир соб бўлди.
Ҳамон айланади тезкор чархпалак,
Кўзасида қолган энг сўнгги томчи.
Уни тўлдирай деб жонларим ҳалак,
Елка тутиб турар ғайб бир ишончим...

ᘓᘒ ✧ ᘓᘒ

Менинг дил сўзларим — осудаларим,
Талотўп дунёда маъсудаларим,
Кўзимни ўйса-да минг битта нокас,
Биргина дўстимга қасидаларим.

Юрагим қонидан кўклаган гулим,
Жаннат чашмаларин йўқлаган гулим,
Оқ сут бериб боққан фарзандим каби
Нону тузларимни оқлаган гулим.

Умр боғимдаги латиф ифорсан,
Гўдак кулгусидай соф, беғуборсан.
Фаришта бўлиб сен очдинг эшикни
Қай даргоҳга элчи—шеърим юборсам.

Иссиқ юзларимга пешвоз бир меҳр,
Сўзимга ярашиқ тансиқ бир калом
Шу элим, шу Ватан кўзларидадир
Абадий севинчим, туганмас илҳом.

ᘓᘒ ✧ ᘓᘒ

Эй, Ватан, қадрингни мен
Ҳазрат Навоийдан сўрай.
«Минг бир кеча»лар элчиси
Қирқ мингта ровийдан сўрай.
Ғозию шаҳидларинг
Ҳадди-ҳисобидан сўрай.
Нажмиддин Кубролларинг
Ҳоки туробидан сўрай.
Машрабингни ошиғи
Дорнинг жавобидан сўрай,
Нодира кўксидаги
Қонли рубобидан сўрай.
Қодирийдек нолавор
Бағри кабобидан сўрай.
Кеча-кундуз Фитратинг
Тортган азобидан сўрай.
Зулфия фахридан-у
Ҳижрон китобидан сўрай.
Зор Саида бўзлаган
Йиллар хунобидан сўрай.
Тан руҳинда титраган
Кимё-симобидан сўрай,
Қадрингу эркингга эш
Дил инқилобидан сўрай.

ᘓᘒ ✧ ᘓᘒ

Денгизлардан гуҳар топдим,
Ғойиблардан хабар топдим,
Пулсиротдан гузар топдим,
Кўнглимдай кўнгил топмадим.
Укпар эдим — ботмон бўлдим,
Ошкор эдим — ниҳон бўлдим,
Курмак эдим — қурч дон бўлдим,
Ризқимни енгил топмадим.
Тоҳ муз ичинда ёқилиб,
Чақмоқ ўтинда чоқилиб,
Заъфарон гулдай тўкилиб,
Ҳосилни мил-мил топмадим.
Бошга қўниб омад қушим,
Ҳал бўлди минг бир ташвишим,
Ҳайрон қолиб хейлу хешим,
Бахтимга восил топмадим.
Оқар сувман — тинганим йўқ,
Тирик ўтман — сўнганим йўқ,
Бўйим каби бўй топдим-у
Кўнглимдай кўнгил топмадим...

ᘓᘒ ✧ ᘓᘒ

Сен гулладинг — боғим, атир-анбарим,
Қирқ оғайни гулим — бошга чамбарим,
Сўнмас баҳор, тўкин ёзим, гавҳарим,
Бошим узра осмон бўлди ложувард.

Ғунчаладинг — фаришталр бўлди уй,
Бозор бўлди, бахт-қувончга тўлди уй,
Дутор-қалбим тилларида минг бир куй,
Кекса дунё яшнаб, кетди ғубор-гард.

Камалаклар, наъматаклар, чақмоқлар,
Кўзин очди бугу ўтган сўқмоқлар,
Боғ йўлидай яқин бўлди йироқлар,
Ҳар жон борки жонимга мисли пайванд.

Ер-кўк аро урчуқ бўлди юрагим,
Соғинч аро бир чўғ бўлди юрагим,
Қордай эриб гоҳ йўқ бўлди юрагим,
Бўғимларим шовшаб, ёниб банду банд.

Авж пардада создан чиқиб кетди тор,
Кўнглим қолди дунёсидан баякбор,
Сендай нафис қизни қилиб қўйса хор —
Ҳаёт — жаллод, тақдир — сўқир,
бахт — номард.

ᘓᘒ ✧ ᘓᘒ

Чаҳ-чаҳ кулишларингга
Жон тикарди қирқ йигит.
Чақнаб туришларингга
Энтикарди қирқ йигит.
Бир оҳ десанг, қўлингга
Қирқта жон гул бўларди.
Яшнаб ўтар йўлингда
Қирқ йигит қул бўларди.
Танлаб-танлаб тозига
Тушган кенжа қиз бўлдинг.
Кўниб йўқу озига,
Бир кафт қора туз бўлдинг.
Бир подшолик божингни
Балчиқларга отдилар.
Гавҳар эдинг, қадрингни
Қоратошга сотдилар.
Қадру қиймат баҳсида
Харидори — арзоним,
Қирқ йигитнинг кўксида
Гавҳар бўлди армонинг.

ᘓᘒ ✧ ᘓᘒ

Менинг кўнглим
Ойна бўлди:
Душман ҳам қаради,
Дўст ҳам қаради.
Дўстлар назаридан
Ёришди кўнглим,
Душман ҳасадидан
Кўнглим нуради.
Шунданми
Кўнглимда тонгу шомларда
Тоҳи нур,
Тоҳ зулмат баҳсга киради...

ᘓᘒ ✧ ᘓᘒ

Буғдой дони бўлдим офтобрўяда,
Майсадай кўкладим, томир отдим мен.
Юрак — чигит бўлди, жон — ҳимояда,
Қора совуқда ҳам нурга ботдим мен...

УМР БУ...

Умр бу — Аллоҳдан бизга омонат,
Аллоҳнинг фарзи бор азиз жонларда,
Омонатга қилма ҳаргиз хиёнат.

Умр — ёмби олтин, буғдой донидай
Майдалама уни тегирмонларда,
Аллоҳнинг фарзи азиз жонларда.

Омонатга ҳаргиз қилма хиёнат,
Уни пуллаб юрма майхоналарда,
Умр бу — Аллоҳдан қарзи қиёмат.

Умр бу — толедан барака, хирмон,
Елларга совурма, туфроққа сочма,
Аллоҳнинг мулки бул ҳар дон, ҳар сомон.

Ғурбат-ғийбатларга талош айлама,
Йўлингда учраган нокасу нодон
Кимсаларни унга фаррош айлама.

Сенга бир ҳадият бул феруза тош,
Ўзинг заргарисан, заҳҳоби — ўзинг,
Қаллобларни-да сангтарош айлама...

Умр бу — Аллоҳдан бизга омонат...

ЁШЛАРГА ДЕГАНИМ

Кўнгилда қулф урган гулшанларим Сиз,
Нафаси муборак гулханларим Сиз,
Эртан ҳар кифтида бир тоғни тутган
Алпомиш ҳайбатли улканларим Сиз.

Тожу тахт эгаси — шаҳзодаларим,
Орзу-хаёллари озодаларим,
От босмаган изни босган тойларим,
Ялпизли, райҳонли шаббодаларим!

Қошу кўз ораси қабоғимдасиз,
Жон пилигим ёнган равоғимда Сиз!
Етти шажарамнинг шоҳ халқасида
Ҳизр назар солган туёғим-да Сиз!

Ватан қоясида лочин бўлгайсиз,
Ёвлар елкасига — қамчин бўлгайсиз,
Булутсиз, беғубор очун бўлгайсиз,
Фикри ҳур, маслаги некбин бўлгайсиз!

Ит текса булғанар оқар дарё ҳам...
Бузғун хаёллардан асрасин эгам,
Онага тик боқиб, бўлманг боши хам,
Зангламас, айнимас олтин бўлгайсиз.

Ватанни бир товоқ кепакка сотиб,
Бир умр хиёнат лойига ботиб,
Дурдай жигарларин балчиққа қотиб,
Юрган нокаслардан йироқ бўлгайсиз...

Йигитлик даврони-тахту тожлидир,
Инсон юрти билан бахтли, божлидир,
Бегона элларда султон бўлгунча,
Остонада бир кафт туфроқ бўлгайсиз,
Қарғиш-коҳишлардан йироқ бўлгайсиз.

Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркорлар,
Мустақил мамлакатимиз фуқаролари,
чет эллик жаноблар ва хонимлар!

Республика Кўчмас мулк биржаси

Тошкент шаҳар филиали жамоаси

Хотира ва Қадрлаш куни — 9 май

муносабати билан аждодлар хотираси қошида бош эгади.
РКМБ Тошкент шаҳар филиали Сизларни ҳамкорликка таклиф этади.
Бизда бинолар, ишлаб чиқариш цехлари, уй-жой қуриш учун ер майдонлари, автомобиллар ва бошқа мулкларни сотиб олишингиз ва сотишингиз мумкин.
Сизнинг мулкдорга айланишингизга биз тилакдошмиз.



Манзилимиз: Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, Алишер Навоий кўчаси, 16-а уй ёнида, мўлжал — «Шарқ гули» АЖнинг фирма дўкони.
Телефонлар: 144-44-72, 144-44-73.

Диққат, тендер!

Фарғона вилояти дастурига киритилган газ ва оқава сув тармоқларини кенгайтириш иншоотлари қурилиши материаллари ва дастгоҳларини танлов савдолари асосида сотиб олиш «Тендер»и ўтказилади.

№	Маҳсулот номи	Бирламчи	Турлари	Ҳажми
1.	Қувур		Д-400х8	200
			Д-325х5,6,8	2500/2000/1000
			Д-273х6	1000
			Д-219х5	1200
			Д-159х1	2000
			Д-114х3,5;4	1000/3000
			Д-89х3,5;5	1500/1000
			Д-76х3,5;5	1000/1000
			Д-57х4	3000
			Д-48х3,5	2000
			Д-38х3,5	2000
			Д-25х3-2,5	2000
			Д-20х3-2,5	2000
			Д-15х3-2,5	3000
2.	Асбестцемент қувурлар	м	Д-100	500
3.	Пўлат зулфин	дона	Д-50/80/100/150 200/250/300/400	10/10/10/10/5/2 /2
4.	Чўян зулфин	дона	Д-50/80/100/150 200/250/300/400	30/30/20/10/5/5/5 /2
5.	Пўлат фаянц	комплект	Д-50/80/100/150 200/250/300/400	120/100/100/120 30/30/30/10
6.	болт гайка	кг	М-16/20/24/32	60/50/50/50
7.	Паронит	кг		140
8.	Ажратма (отвод)	дона	Д-50/76/89/114 159/219/273/325	100/100/100/150 150/30/20/20/10
9.	Битум	тонна	БП-5	50
10.	Холостли ойна	кв.м		24000
11.	Изод	кв.м		24000
12.	Крафт қоғози	кг.		1500
13.	Металл уголок	тонна	35х35 40х40 50х50	20/10/20
14.	Арматура	тонна	14;16;20 мм	20
15.	Цемент	тонна	М300/М400	50
16.	Мойли бўёқ	тонна		2000
17.	Алюмин упа	кг		300
18.	Алиф мойи	кг		1600
19.	Карбид	кг		5000
20.	Электрод	кг	13х55/3мм/4мм	3000
21.	Ярим автоматли газ горелкаси	дона		200
22.	Ҳисоблагич	дона	6м/10 м³/40м³ 150м³/200м³ 250м³ /300м³	300/50/50/10 4/4/4
23.	Юқори босимли ГРП	дона	Д-50;80;100	5/4/4
24.	Паст босимли ГРП редуктор	дона	Д-32;40;50	10/10/10
25.	Темир бетон	дона	Пм,9м	80
26.	Ўтказгич	кг	АПС-35С	3000
27.	Трансформатор	дона	КТП-25; КТП-10	1/2
28.	Сим арқон (кабель)	м	КВВБ МКЧИА	1000 4000
29.	Насос двигатель	дона	К-65-30-165С	2
30.	Сув тортгич	дона		1
31.	Кран 64 серия	дона	Д-300;Д-80	6/4
32.	Лента	кг	«НИТО» ишлаб чиқариш Япония	4000
33.	Ҳимоялаш ўрами (обертка)	кг	Японияда тайёрланган	4000
34.	Елим (Клей)	кг	тёк.рап 200	1000
35.	Учлик (тройник)	дона	120х325/325х80 530х325	2/4/2

№	Маҳсулот номи	Бирламчи	Турлари	Ҳажми
1.	Пўлат қувурлар	м/п	Д-32	290
			Д-50	680
			Д-115	115
			Д-159-4	115
			Д-325	40
			Д-426-6	1500
			Д-720-8	1800
			Д-1020-11	330
2.	Асбест қувур	м/п	Д-250/Д-300	1000
3.	Пўлат фланецлар	дона	Д-800	15
			Д-1020	4
			Д-600	4
			Д-150	20
			Д-500	2
4.	Пўлат зулфин	дона	Д-100	10
			Д-300	12
5.	Пўлат зулфин	дона	Д-150	4
6.	Дискли тўсиқ	дона	Д-500	2
7.	Тўсиқ	дона	Д-800	5
8.	Чўян тўсиқ	дона	Д-500	5
9.	Чўян туйнук	дона	Д-600	2
10.	Чўян тўсиқ	к-т		36
11.	Сим арқон (кабель)	м/п	ААШВ3	100
12.	Алюминли ўтказгич	м/п		300

Буюртмачи: «Ўзбекгазқурилиш» ОТАЖга қарашли Заркент қурилиш-монтаж бошқармаси ва Фарғона вилояти Сувоқава бошқармаси барча таъминотчи ташкилотларни юқорида кўрсатилган маҳсулотлари билан қатнашишга таклиф этамиз.
Эълон чиққан кундан 15 кун муддат ичида қуйидаги манзилгоҳга мурожаат этишларингизни сўраймиз.

Манзилимиз: Фарғона вилояти, Фарғона шаҳри,
Алишер Навоий кўчаси, 29а уй.
Телефон: 26-43-19

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати
Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Одилжон ОЛИМЖОНОВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Салим АШУРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Андрей ОРЛОВ (бош муҳаррир ўринбосари «Голос Узбекистана»)
Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)
Валерий ЛАБАРЕШНИХ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:
Сиёсат — 133-20-36
Иқтисодиёт — 133-76-04
Маънавият — 133-07-20
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-12-56, 136-55-16
Ахборот — 133-76-04
Котибият — 133-21-43
Факс — 133-47-80, 133-38-55, 133-73-43, 133-72-83

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 25-16-16;
Бухорода — 23-51-40;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-29-44;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 222-70-12;
Самарқандда — 35-20-54;
Тошкентда — 133-76-04;
Урганчда — 226-51-35;
Фарғонада — 26-46-84;
Қаршида — 3-25-79;
Термизда — 3-79-98.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

Навбатчи муҳаррир Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ, навбатчи Баҳодир ОСТОНАҚУЛОВ

Газета «Ўзбекистон овози»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Саҳифаловчи-дастурчи Бахтиёр ҲАМИДОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00004
Газета офсет усулида, А—2 форматда, 24.045 нусхада босилди.
Ҳажми 2 босма табоқ.
«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.
Г —0265

Босишга топшириш вақти – 21.00.
Топширилди – 22.40
1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА

Ҳамиша биз билан бирга бўлинг!
Реклама ва эълонлар учун телефонлар:
«Ўзбекистон овози» — 133-47-80,
«Голос Узбекистана» — 136-26-70,
«Осиё бозори» — 133-38-55